

ОБИД КАМОЛ

ФИДОЙИЛИК

(хужожетли қисса)

Фарғона - 2017

ISBN: 9789943381293

КБК: (4 (O`zb)5

УО`К: 112.02.5

К: 22

Обид Камол : «Фидойилик» 60 бет.
«Наврўз» нашриёти, Тошкент шаҳри.

Ушбу ҳужжатли қисса фидойи инсон, захматкаш устоз ва моҳир ташкилотчи Мўсажон Акбаровнинг тадбиркорлик фаолияти ва таълим-тарбия соҳисида Эришган ютуқлари ҳақида кузатишлар қилган.

Унинг педагогик фаолияти ҳақидаги ҳамкаслари, дўстлари, шогирдлари ва яқинларининг эҳтиром ва дил изҳори баён этилган.

Жамоатчилик асосида олиб борган замонамизга хос ишлари ибрат намунаси сифатида кўрсатилган.

Мазкур китоб мактаб ўқитувчилари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN: 9789943381293

© O. Kamol 2017

© «Наврўз» 2017

Зийнатли умр

(Сўз боши ўрнида)

Мазкур рисолада ўз умрини таълим-тарбияга баҳшида этган фидойи инсон ва тадбиркор раҳбар Мўсажон Акбаровнинг педагогик фаолияти ёрқин мисраларда тасвирланган.

Китоб шунинг билан аҳамиятлики, таълим-тарбияга оид муштарак мавзулар китобхон диққатини ўзига тортади.

Китобда оилада бериладиган тарбияга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Бу ҳақда китоб қаҳрамони фарзандларининг тарбия ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. Шу боисдан муаллиф томонидан мазкур мавзуга катта масъулият ва аҳамият билан муносабат бўлиши зарурлиги баён этилган. Оиладаги мухит боланинг келажак ҳаётида нечоғли аҳамиятли экани таъкидлаб ўтилган.

Инсон шахсини улуғловчи камтарлик, самимийлик, ҳақгўйлик, инсонпарварлик, жасурлик, фидойилик, сабр-тоқат, ватанпарварлик каби эзгу хислатларга изоҳ берилади. Шунингдек, баъзи одамлар ҳулқ-авторида худбинлик, виждонсизлик, пораҳўрлик, шуҳратпастлик, манманлик, тақаббурлик, лоқайдлик, хасислик, хаёсизлик каби ярамас иллатлар зоҳир. Муаллиф инсон шазнини ерга урувчи бу каби нуқсон-қусурларга таъриф берар экан, одамларни улардан фороғ бўлишга ундейди.

Мазкур китобнинг foявий мақсади ўқувчига замон талаблари асосида тазлим-тарбия бериш ва ёш авлоднинг қалбида миллий қадриятлар ва Ватан туйғуси каби чин инсоний фазилатларни

шакллантиришдан иборатдир.

Муаллиф бу ҳислатларни ўзининг ўй-кечинмалари ва «Дил изҳори» бобида баён этилган устозларнинг фикр-мулоҳазалари орқали талқин этади.

Китобда ўқитувчи-устоз шахсига катта масъулият юклатилганилиги алоҳида таъкидланади.

Заҳматкаш устоз, моҳир ташкилотчи М.Акбаровнинг иш фаолияти ибрат намунаси сифатида қаламга олинган.

Мазкур китоб мактаб ўқитувчилари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, уларга манзур бўлади, деб умид қиласиз.

*Б. ЛАТИПОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент.*

*Фарғона вилояти халқ таълими
ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш институти кафедра мудири.*

Биринчи боб

Шонли йўл

Бугунги кунни фан-техника тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунёвий илмларни эгалламай туриб, мамлакатни юксалтириш асло мумкин эмас. Мустақил давлатимиз келажагини юксак маънавий фазилатлар ва чуқур билимга эга бўлган ёшлар яратади. Шу боисдан, мамлакатимизда кишининг ғоявий ва маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган таълим тизими ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди. «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллый дастури» шулар жумласидандир.

Албатта, бу қонун ўрта таълим мактабларига улкан масбулиятни юклайди. Зотан, мактаб қутлуғ даргоҳ бўлиб, одамлар унга умид кўзи билан қарайди. Чунки, бу даргоҳда келажак авлодлари улғаяди ва камол топади.

Таълим соҳасида узоқ йиллар сидқидилдан меҳнат қилган фидойи устозларни яхши биламиз. Мўсажон Акбаров ҳам шулар жумласидандир.

У 1941 йилда Кирғизистон республикаси Ўш вилояти Қадамжой туманидаги Қоратепа қишлоғида таваллуд топди. 10-синфни битиргандан сўнг маданий оқартув техникумiga ўқишга кириб, уни 1961-йили тамомлади. Шундан сўнг, Қизилқия шаҳридаги 7-сонли маҳсус билим юртида тарбиячи-ўқитувчи бўлиб ишлади.

Ёш, ҳаракатчан ва илмга чанқоқ йигит бу илм масканида, тез орада жамоанинг оғзига тушди. Битим юрти миқёсидағи таълим-тарбия ва жамоат ишларида фаол қатнашиб, ўз истеъдони намойиш этди.

«Хар бир одам ўз қобилиятига қараб, ўзидан кейин албатта яхши из қолдириб кетиши керак. Техникумда олган билимим ва билим юртидаги иш фаолиятим менинг онгимни шакллантирди. Келажакдаги педагогик фаолиятимга ижобий таъсир кўрсатди,-деб хотирлайди у.

М.Акбаров 1963-1966 йиллари армия сафида хизмат қилди. Олий маълумот олиш ва педагог бўлиш унинг бирдан-бир истаги эди. Мана шу орзу уни Фарғона давлат педагогика институтига етаклади. Имтиҳонларни муаффақиятли топшириб, нихоят талаба бўлди. Институтда аъло баҳоларга ўқиди.

Учинчи босқични тамомлагандан сўнг, таътилда «Старт» пионерлар оромгоҳида ўз амалиётини ўтказди. Қобилиятили йигит, у ерда ҳам дам олаётган ёшлар ўртасида таълим-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни олиб борди. Оромгоҳда ўтказиладиган барча амалий тадбирларга бош-қош бўлди. Оромгоҳ раҳбариятининг ижобий тавсифномасини олгач, у қадирдон институтига қайтиб, яна ўқишни давом эттирди.

Бир босқичда таълим олаётган қувалик Марҳаматхонга кўнгил қўйди. Тўладан келган, истараси иссиқ, ёқимтой қизнинг ҳам йигитга бефарқ эмаслиги тез орада аён бўлди. Бир-бирига синашта бўлган ёшлар бир умр бирга бўлишга аҳд-паймон қилишди. Тўртинчи босқичга ўтганларида уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Улар институт ётоқхонасини тарк этиб, шаҳарда ижарага бериладиган хонага кўчиб ўтишди.

Бир томондан ўқиш, иккинчи томондан оила ташвиши боис уларнинг турмуши осон кечмали. Ёш оила ўзини тутиб олгунга қадар, Марҳаматхоннинг

дадаси ўз фидокорона мөхнати билан Құва туманида ном қозонган, мөхнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган тадбиркор инсон Ҳорунбой ака Эрматов мағнавий томондан ёрдам бериб турди.

Орадан бир йил ўтгач, ўғил фарзанди дунёга келди. Унга Улуғбек деб исм қўйишиди. Аммо гўдакнинг умри қисқа экан, у вафот этди. Шу боисдан уларнинг қувончлари узоқча чўзилмади. Фам-аламни енгиб, улар бир-бирига далда беришиди. Бундан ташқари, яқин дўстлари, устозлари руҳни кўтарувчи ва дадиллик баҳш этувчи мағнавий ёрдам кўрсатдилар. Яна институт ётоқхонасига кўчиб ўтишга тўғри келди.

Мўсажон илм-таҳсил қаноатли бўлишни, шунингдек, ҳар-бир ишда сабр-бардош керак эканини тушунарди. Шу боисдан бошига тушган мусибатдан эсанкираб қолмади. Чунки, вақт ҳамма нарсага нуқта кўйишини у яхши билар эди.

Ниҳоят, талабалик йиллари ортда қолди. 1970 йили институтни аъло баҳоларга битиргач, у Құва туманига йўл олди. М.Акбаров туман марказидаги мактаб интернатда, умр йўлдоши Марҳаматхон эса 17-умумтаълим ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси бўлиб ишлай бошладилар.

Мўсажонни Ҳабибулло Саломов бошлилигидаги педагогик жамоа илиқ қарши олди. Ёш педагог енг шимариб ишга киришиди. Унинг Қизилқия шаҳридаги билим юртида фаолият кўрсатган тарбиячилик маҳорати, шунингдек, институтда олган назарий билимлари унга қўл келди. Ўқувчиларга пухта билим бериш билан бир қаторда, рус тили ва адабиёти тўгарагини ташкил этди. Унинг раҳбарлигига, ўқувчилар томонидан рус тилида деворий газета ва фото-монтажлар мунтазам равишда чиқариб борилди.

Ҳафтанинг чоршанба куни «Рус тили куни», деб эълон қилиниб, ўқувчилар ўша куни фақат бир-бирлари билан рус тилида сўзлашишта ҳаракат қилишарди. Буларнинг натижасида ўқувчиларнинг мазкур фанга қизиқиш-иштиёқи ортди. Шу боисдан рус тили фани бўйича туман миқёсида ўтказиладиган олимпиадаларда мактаб ўқувчилари фахрли ўринларга сазовор бўлишди.

М.Акбаров таълим-тарбияни кабинет тизимиға ўтишини жорий этган тумандаги биринчи ташаббускор устоздир.

Унинг мактаб касаба уюшмасида олиб борган самарали фаолияти туман халқ таълими томонидан эътироф этилиб, оммалаштирилди.

Юрагида файрати бор бу инсон жамоат ишларида ҳам жонбозлик кўрсатди. Шу боисдан, уни тез-тез туман партия қўмитасининг мафкуравий бўлимига фаол тарғиботчи сифатида чақириб турадиган бўлишди. Ниҳоят уни 1975 йили туман партия қўмитасига ишга таклиф этишди. У «Битим» жамияти ташкилотида масъул котиб лавозимида ишлай бошлади.

1979-1991 йилларда Куба туман партия қўмитасида инструктор-йўриқчи, бўлим мудирининг ўринбосари ва бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатди. У қайси бўлимда ишламасин ёки уни қаерга юборишмасин, ўзининг ишchan, ўз ахлоқ қоидалари ва нуқтаи назарига оғишмай амал қиладиган ходим сифатида ўзини кўрсатди.

М.Акбаров ўша даврларни эслар экан: «Мен одамлар билан тил топишни ўргандим. Иш фаолиятим ақлимни чархлади. Ўз устимда тинмай ишладим ва тажриба ўргандим», -дейди у биз билан бўлган

суҳбатда.

Лекин, асли касби ўқитувчи эмасми, қачондир мактабга қайтишни дилига туғиб қўйган эди. Кунлардан бир куни ўз олдига қўйган мақсадини туман ҳокими М.Носировга ётиғи билан тушунтириди. Даставвал ҳоким эътиroz билдириди. Аммо, ходимнинг мақсадини қатъийлигини сезгач, ноилож розилик билдириди.

У туман ҳокимининг тавсияси билан 1991 йили 4 ноябрда шаҳардаги 1-ўрта мактабга директорлик лавозимига тайинланди.

Мактаб тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу илм даргоҳи тумандаги энг кўхна билим масканларидан бўлиб, таълим-тарбия ўзбек ва рус тилларида олиб борилар эди. Мактаб биноси эскириб қолгач, 1974 йили мактаб учун янги бино қурилиб фойдаланишга топширилди. Мингдан зиёд ўкувчилар замонавий жиҳозланган, барча қулайликларга эга ёруғ ва шинам синфларда таълим ола бошладилар. Мазкур мактабда дастлабки йилларда таълим-тарбия намунали йўлга қўйилган бўлса-да, аммо кейинчалик мактаб раҳбарлари қўним топмагач, бу билим даргоҳи ўз нуфузини йўқотиш даражасига тушиб қолган эди.

М.Акбаровни фикрини инобатга оладиган бўлсак, ушбу мактаб ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган эди. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолатда таълим-тарбия самара бермаслиги аниқ.

М.Акбаров раҳбар бўлиб келган кезлари ишни қай йўсинда ва нимадан бошлишни билмай ҳайрон эди. Чунки, мактабнинг чор атрофи очиқ. Истаган одам у ёқдан бу ёққа ўтиб юраверар экан. Мактаб ҳовлиси маҳалла аҳлиниңг чорва ҳайвонлари боқиладиган ўтлоққа айланиб қолганди. Мактабнинг

тажриба участкаси эса ахлатхонага айланганди. Ахлатлар уюм-уюм бўлиб ётар ва даъфатан кўрган кишида нохуш таъсирот уйготарди. Чор атрофдаги дарахтлар сувсизликдан қуриб-қақшаб ётарди. Бундан ташқари, афсусланадиган жойи шундаки, таълимтарбия ўз ҳолига ташлаб кўйилган эди.

М.Акбаров мазкур мактабнинг ички ҳолати ва маориф соҳасидаги ўрнини аввал ҳам яхши биларди. У туман ҳокимининг раъиига қараб, мактабга боришга ноилож рози бўлган эди. Эҳтимол, туман раҳбари унинг иқтидорли ишбилармон ташкилотчилигига ишонган бўлиши керак. Энди, у бу ишончни оқлаши керак эди.

У даслабки иш фаолиятини тартиб-интизом ва таълим-тарбиявий ишларни кескин тарзда мустахкамлашдан бошлади. Кундалик қатъий режим ва дарс жадвали асосида ўқитувчиларнинг дарсларга конспект-режа ва кўргазмали қуроллар билан келишларини назорат остига олди. Ўқувчиларнинг билими ва уларнинг дарсга давоматини яхшилаш лозимлигини ўқитувчилардан қаттиқ талаб қилди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ишни тубдан қайта қуриш натижасида, аҳвол ижобий томонга ўзгара бошлади. Бундан ташқари, мактабда ҳукм сурған гуруҳбозлик ва ўзаро низоларга барҳам берилди. Тажрибали, илгор ўқитувчиларни хурматлашни ўрнига қўйди. Улар билан юзага келган масалаларни бамаслаҳат, фикрлашиб муҳокама қилди. Раҳбарнинг билим, саъй-ҳаракати ва ташаббускорлиги туфайли ўқитувчиларнинг кайфиятида кўтаринки руҳ пайдо бўлди. Бир сўз билан айтганда, мактабга файз кирди. Буларнинг барчаси ишнинг бошланиши бўлиб, унинг орзу-умидлари ҳали кўп эди. Эзгу амалларни амалга ошириш учун ҳали

вақт кераклигини у яхши тушинарди.

Мактабда таълим-тарбия масалалари йўлга кўйилгач, у диққат эътиборини хўжалик ишларига қаратди. Юқорида баён қилганимиздек, хўжалик ишлари ачинарли аҳволга тушиб қолган эди. Хусусан, мактаб биноси ва синф хоналари талабга жавоб бермасди. Мактаб эшиклари, поллари ва ойналар синиб яроқсиз бўлиб қолган эди. Синган парта ва стуллар деворлар тагида қалашиб ётарди. Ачинарлиси шундаки, мактаб ҳовлиси ахлатхонани эслатарди. Теварак-атроф бир хафта давомида, мактаб жамоаси ва техника ёрдамида яхшилаб тозаланди. Ариқлар қазилди, мактаб томорқасига махаллий ўғитлар солиниб, экин экишга тайёрлаб кўйилди.

Муаммо шунда эдики, амалга оширилган ишларга сарфланган ҳаражатларни ўрнини тўлдириш учун маблағ йўқ эди. Юқори ташкилотлар эса, маблағ ажратиш у ёқда турсин, ҳатто ишчи-ходимлар ва ўқитувчиларнинг иш хаққини ўз вақтида беролмай қолган эди. Ўша даврларда, нафақат мактаблар, балки бошқа идора ходимларига ҳам ойлик маошлар 3-4 ойлаб кечикиб берилади.

Масалага объектив ёндашадиган бўлсак, бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари одамларнинг турмуш шароити бирмунча оғир кечгани ҳеч кимга сир эмас. Давлатимизга ҳам осон бўлмаган. Бутабий ҳол эди. Чунки, Ватанимиз кўксидаги мустабид тузум асоратлари ҳали битиб улгурмаганди.

Яна юқоридаги оғрикли, иқтисодий масалага қайтадиган бўлсак, моддий томондан қийналган баъзи ўқитувчиларнинг мактабдан кетиб қолиш ҳолати ҳам учраб турган. Албаттa раҳбар имкон қадар бу

муаммони ҳал қилиши керак эди. У ҳаражатларни қоплаш ва моддий томондан қийналган ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш учун уйидаги бир нечта қўйларини сотиб, мактабга фонд-маблаг қилиб қўйди. Моддий томондан қийналган ўқитувчи ва ходимларга ойлик маоши чиққунга қадар 1000 сўмдан пул бериб турилди. Истисно тариқасида айтиш мумкинки, 100 сўм пул ҳам ўша даврда салмоқли қийматга эга эди.

Ўз-ўзидан аёнки, мактабнинг моддий базасини яратмай туриб, катта ишларга қўл уриб бўлмас эди.

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, узоқни кўзлаган раҳбарнинг орзу-умидлари кўп эди. Шу боисдан, у Абдураззақов номли жамоа хўжалигига бориб, раис билан учрашди. Мактабда юзага келган муаммоларни ётифи билан тушунтириди. Раис имкон қадар ёрдам беришга ваъда берди. Шундан сўнг, М.Акбаров жамоа бошқарув йиғилишида қатнашар экан, мактаб учун ижарага ер берилишини сўраб сўзга чиқди. Йиғилиш қатнашчилари унинг илтимосини қўллаб-куватлашди. Бир оз вақт ўтгач, йиғилиш қарорига асосан, мактаб орқасидаги жамоа хўжалиги еридан 1,5 гектарни ижарага беришди.

Баҳорда у ерга чигит экилди. Хуллас, уч йил деҳқончилик қилиб, йилига 4 тоннадан ошириб пахта хосили олинди. Ундан келган даромадни мактабнинг ҳаражатларига ишлатилди. Қаловини топса, қор ёнар, деган мақол бор. Уддабуро раҳбар буни ҳам йўлини топди.

Мактабда ўқувчилар сони меёридан оргик бўлгани туфайли, у 360 та ўқувчига мўлжалланган қўшимча бино қуриш лойиҳасини тайёрлашга киришиб кетди. Хуллас, унинг саъии ҳаракати туфайли лойиҳа тасдиқланди ва ОКС бинони қурилиш режасига

киритди. Бунинг учун у қаерларга бормади ва кимлар билан учрашмади, дейсиз. Лекин бариси ортда қолди. Мұсажонака хурсанд әди. Чunksи, шунча югуришлар бекорға кетмади.

Бино учун фундамент қуида бошлаганда, бирдан афsuski, маблағ йүк, деб ишни тұхтатиб қўйиши.

Мұсажон ака ишчиларни кутди. Ҳа деганда улар кела бермагач, бир оз тушкунликка тушди. Иродали раҳбар тезда ўзини ўнглаб олиб, бунинг ҳам қаловини топди. Мактаб ерига буғдой септирди. Бўш ерларга терак қўчатини қаламчи қилиб эктириди. Кейинчалик, буғдой экилган ерга минглаб мевали қўчатлар экилиб, уни парваришига алоҳида эътиборини қаратди. Қўчатларини ҳимоя қилиш учун атрофи ихота қилиниб, сим билан тўсилди. Лекин, у атрофни девор билан ўрашни мақсад қилиб қўйган әди. Юқори ташкилотлар ва жамоа хўжалигига кўп марта мурожаат қилганидан сўнг, ниҳоят унинг мақсади амалга ошди. Ер атрофи 260 метр девор билан ўралди. Унга кетган сарф-ҳаражатлар буғдой хосилидан етмаган қисми эса раҳбарнинг шахсий жамғармасидан қопланди.

Хуллас, мактабда 2 гектар боғ ва ярим гектар теракзор ташкил этилди. Мевали қўчатларнинг барчасини раҳбарнинг ўзи улади. Бунинг натижасида мактаб боғида ўрик, ғайноли, олма, анор, нок, шафтоли, гилос, бодом, беҳи, анжир, ёнғоқ каби мевали дараҳтлар гуркираб ўсиб, хосилга кирди. У ернинг унумдорлигига алоҳида аҳамият берди. Мўл хосил олиш учун ерни озиқлантириш кераклигини у яхши тушунарди. Шу боисдан ерга минерал ва маҳаллий ўғит солдирди.

Бундан ташқари мактаб ўрамида фойдаланилмай ётган иссиқхона таъмирланиб, унда помидор ва карам

кўчатлари етиштирилди. Кейинчалик иссиқхона лимонарияга айлантирилди. Қўшимча даромад олиш ва янги ишчи ўринларини ташкил этиш учун китоб савдоси ва тўн дўкони фойдаланишга топширилди. Тикув машиналари таъмирланиб, тикув цехи ишга туширилди. Тўрт нафар ўқитувчи ва икки нафар ўқувчи мазкур цехда чеварчилик билан машғул бўлишди. Мактаб ёнида енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш устахонаси ишга туширилди.

Президентимизнинг 1992 йил эълон қилинган «Тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида» ги 358-сонли қарорида баён қилинган: маҳсус ўқув юртларига киришга тайёрлаш гуруҳларини очиш: жумладан репетиторлик хизматларини кўрсатиш:

-мактабларга ажратилган ер майдонларида боғлар барпо қилиш, мева, сабзавот, полиз экинлари ва кўчатлар;

- аҳолига майший хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

-шартнома асосида аҳоли учун китоблар ва ўқув куроллари савдосини ташкил қилиш;

-бичиш, тикиш, тўқишишларини ўргатиш бўйича қўшимча гуруҳлар очиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, республика Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 325-сонли қарори эълон қилинган эди. Унда баён этилишича, умумтаълим мактабларида: мактабда ўқитиладиган айрим предметлар бўйича битирувчиларни олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларига киришга тайёрлаш гуруҳларини очиш: жумладан репетиторлик хизматларини кўрсатиш, белгилаб

қўйилган эди.

Президентимиз фармонларига «лаббай» деб жавоб берган раҳбар дарҳол ишга киришди. Юқорида баён этилган бунёдкорлик ишлари бундан далолат бериб турибди. Қарорларда кўрсатилган барча вазифалар Мўсажон ака раҳбарлик қилаётган 1-ўрта мактабда ўз аксини топди. Аслида, замонавий раҳбар, замонавий талабларга жавоб берадиган ва уларни уддасидан чиқадиган қобилиятга эга бўлиши керак. Албатта, бунинг учун ақл, билим ва тажриба керак. Эътироф этиш керакки, Мўсажон ака Акбаров мана шундай ҳислат ва хусусиятлари билан бошқалардан ажralиб туради. Шу боисдан уни маориф соҳасида туман тадбиркорларининг пешвоси, дейиш учун тўла асос бор.

Биз тадбиркор раҳбарнинг иш фаолиятига назар ташлар эканмиз, мактабда таълим-тарбия билан ишлаб чиқариш, яъни хўжалик орасидаги узвий боғланишни кўрамиз. Бунинг самарали таъсирини кўриб турибмиз.

Кўп йиллик меҳнатнинг натижаси яққол намоён бўлди: экин-тикинлардан даромад кела бошлади. Топилган маблагни қонун асосида банкга қўйиб, мактабнинг маҳсус ҳисоб рақамини очмоқчи бўлди. Бу хусусда туман, вилоят хокимияти, халқ таълими вилоят бошқармаси шунингдек, ушбу масалага масъул бўлган юқори ташкилотларга мурожаат қилишига тўғри келди. Ҳамма ерда рад жавобини беришди. Маълум бўлдики, мактаб учун маҳсус ҳисоб рақами очилмас экан. Мутасадди шахслар, топилган даромадни давлат банкига қўйишни таклиф этишди. Мўсажон ака ҳаракатлари зое кетганини тушунди. Қонунда кўрсатилмаган бўлса, нима ҳам дерди. Ниҳоят, 200 минг сўм мактаб маблағи туман халқ

таолими бўлимининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилди. Зарурат туғилганда ушбу маблағлар мактаб эҳтиёжи учун сарфланди.

М.Акбаровнинг саъй-ҳаракати ва мактаб жамоасини сидқидилдан қиласан меҳнати туфайли мактабда таълим-тарбия борасида ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мактабда таълим-тарбия борасида олиб борилган ибратли ишлар хусусида батафсил тўқталмоқчимиз. Хусусан, ўқувчиларнинг бўш вақти ва ёзги дам олиш табтилларини мазмунан мароқли ўтишини таъминлаш учун алоҳида аҳамият берилди. Кўплаб ўқувчилар «Баҳор» соғломлаштириш оромгохига жўнатилди.

Ўқитувчилар таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун доим изланишди. Шу боисдан мактабда илфор, ташаббускор ўқитувчилар жамоаси шаклланди. Мактабда маҳорат дарслари ва амалий-услубий семинарлар ўтказиб турилади. Мактаб тажриба мактабига айлангани туфайли, илфор фан ўқитувчиларининг иш услублари туман миқёсида оммалаштирилди. 1-мактаб тумандаги «таянч мактаби», деб эътироф этилди.

Мактабда мактаб-оила-махалла ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Албатта, бу жараён таълим-тарбияга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

М.Акбаров изланувчан ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга имкон қадар ҳаракат қиласади. Аёнки, моддий манфаатдорлик бўлмаган жойда иш суст кетади.

Раҳбар томонидан ўқитувчилар учун мактабда барча шароит яратиб берилди. Бунинг самарааси ўлароқ таълим-тарбия яхши томонга ўзгаради. Ўқувчилар ва

муаллимлар кўрик-танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритиши. Баъзи ўқувчилар туман, вилоят ва республика фан олимпиадаларида қатнашиб 1-2 ўринларга сазовор бўлиши. Мактаб миқёсида олиб борилаётган ҳар бир иш хоҳ таълим-тарбия соҳасига оид бўлсин, хоҳ хўжалик ишлари билан бўлсин, жамоа билан фикрлашиб ва кенгашиб қилинади. Шу боисдан 1-мактаб, пировард натижада нафақат туман, балки вилоятда пешқадамлар сафидан ўрин олди ва «ташаббускор мактаб» сифатида тан олинди.

Мактабда туман миқёсида аҳамиятга эга бўлган турли тадбир ва семинарлар ўtkазила бошланди. Чунончи, Фарғона ўқитувчилар малакасини ошириш институти тингловчилари мактабда ташкил этилган кўплаб семинарларда мунтазам қатнашадиган бўлдилар. Фарғона давлат университети талабалари эса амалиёт машғулотларини ушбу мактабда ўtkазишарди. Бунинг сабаби оддий: чунки мактабда туман ва вилоятда ном қозонган, ўз фанининг моҳир билимдонлари фаолият кўrsatiшарди.

Мактаб тозалиги, мухташамлиги ва шухманзаралиги боис барча талабларга жавоб берарди. Шу боисдан, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимининг ҳар йили бўладиган анъанавий август кенгашини мазкур мактабда ўtkазиш одат тусига кириб қолган эди. Мактаб ўзининг телевидениесига эга эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, эришилган муаффакиятларда Р.Ахмедов, Т.Хошимов, К.Хожиматов, И.Юсупов, М.Катяров, Д.Комилов, ~~Олмоқсан~~ Рахмонова, Насиба Мухсинова, Фотима Нематова, П.Раҳмонова, Саида Фофурова, Х.Билялова, Валя Муротова, Д.Зарипова, В.Мичкаева

каби кўплаб жонкуярлар ва фидойи ўқитувчиларнинг муносиб ҳассалари бор.

Юқорида тилга олинган ўқитувчилар ва ахил жамоа директорни ҳар томонлама қувватлаб, камарбаста бўлиб турдилар. Шу боисдан бир даврлар ўрта-миёна бўлган мактаб, директорнинг ташкилотчилиги ва жамоанинг бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатлик билан қилган ҳаракати туфайли мазкур илм даргоҳи «йил мактаби», «таянч мактаби» деган шарафли номга сазовор бўлди.

Меҳнат қилган элда азиз, деган халқона ибора бор. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Бир томондан меҳнатининг самарасини кўрса, иккинчи томондан халқнинг ҳурматига мұяссар бўлади.

Шу боисдан кўплаб ўқитувчилар «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, бир ўқитувчи эса «Халқлар дўстлиги ордени» билан тақдирланди. Туман халқ таълими бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган ўқитувчилар ҳам талайгина.

Айни пайтда Мўсажон ака Акбаров нафақада. Мактабда унинг қутлуғ 70 ёши муносиб кутиб олинди, тантанали юбилей кечаси ўтказилди. Кечада туман халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман хокимияти раҳбарияти, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, юбилиярни қизғин табриклишди, унинг шаънига илиқ сўзлар айтилди.

М.Акбаров ўзининг чин инсоний фазилатлари ва билимдонлиги билан ҳам маҳалла аҳлининг ҳурматига сазовор инсон.

Одамлар тез-тез унинг хонадонига бориб

туришади. Кимдир ундан маслаҳат сўраш учун борса, кимдир у билан дилдан суҳбатлашиш учун боради. Унинг эшига доим одамлар учун очиқ. У одам ким бўлишидан қатъий назар, эски қадирдонлардек кучоқ очиб қарши олади. Дилкашлик Мўсажон акага хос фазилат. Унинг донишона сўзлари ҳаммага ёқади. Зотан, қари билгани пари билмас, деган мақол бор. У жуда кўп китоб мутолаа қиласди. Ҳозир ёши бир жойга бориб қолган бўлишига қарамай, қачон қарасангиз кўлида китоб.

Узоқ йиллар мاشаққатли илм йўлини босиб ўтган устоз, энди унинг роҳатини кўриб, шукроналик билан умргузаронлик қиляпти.

Уни тез-тез туман миқёсида ўтказиладиган таълимтарбияга доир тадбирларга таклиф этиб туришади. Айниқса, ёшлардан маслаҳатларини аямайди. Тўғри юриб, тўғри туришни уқтиради. Мактабларга бориб маърузалар қиласди.

Бойлик-шуҳратпарастликни, шуҳратпарастлик эса нафратланишни тарбиялайди, деб ёзган эди Шарқ алломаларидан бири. М.Акбаров ҳеч қачон шуҳратпарастликни ўзига эп кўрмаган инсон. Тўғри, у ҳарқанча мақтанса, шуҳратталаб бўлиши мумкин эди. Мана шу ҳислати учун уни махалла аҳли яхши кўради, ва маориф ҳодимлари орасида катта обрўга сазовор бўлди.

Ўз-ўзидан аёнки яхши одам бўлиш қийин. Бунинг учун вақт керак. Халқнинг ҳурматига эришмоқ учун одамдан узоқ йиллар давомида эзгу амаллар қилиниши талаб қилинади. М.Акбаров мана шу йўлдан борди. Йиллар мобайнида мисқоллаб топган обрўйи, унга кейинчалик шон-шуҳрат келтирди, элнинг ҳурматини қозонди.

ИККИНЧИ БОБ

Дил изҳори.

Мўсажон аканинг сийрати ва инсоний фазилатларини ҳеч ким унинг умр йўлдоши Марҳаматхон аядек яхши билмаса керак, деб ўйлаймиз. Албатта, бу табиий ҳол. Шу боисдан биз уни суҳбатга тортдик.

У бир оз қимтинибгина деди:

«Турмуш ўртоғим билан фарзандларни вояга етказдик. Уларни ўқитиб элга қўшдик. Уларнинг тарбияси билан мунтазам шуғулландик.

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, турмушимизни дастлабки йиллари анча қийналдик. Чунки, ҳар қандай оиласинг ўзига яраша муаммолари бўлади. Буларсиз асло мумкин эмас. Ҳатто энг бой-бадавлат, тўкис оила ҳам муаммолардан мустасно эмас, деб ўйлайман. Чунки, буни ҳаёт дейдилар.

Ҳали институтни тамомламасимиздан камтарона ва талабаларга хос тўйимиз бўлиб ўтган эди. Борига шукр қилиб яшадик. У мени доимо кўнглимни кўтаришга ҳаракат қиласарди. «Ҳали яхши кунларимиз олдинда. Бунга албатта вақт керак», деб менга далда берарди. Унга қийин эканини юракдан ҳис этардим. Мен ҳам доимо унга маънавий томондан мададлор бўлишга ҳаракат қиласардим. Сабр қилган эдик, кейинчалик ҳаммаси изига тушиб кетди.

Турмуш ўртоғим дабдабаларни унчалик ёқтирмайди. Тўғри-да, инсон жамият билан тирик. Элдан чиқиб кетмаслик керак. Фарзандларимиз ҳам оиласизнинг мана шу одатларига доимо амал қилиб

келишади. Улар ҳақида маҳалла аҳлидан яхши гапларни эшитиб қолсам, қувонаман.

Мұсажон акамнинг инсоний фазилатларидан бири ҳалоллик ва росттүйликдир. Бу жиҳатдан фарзандлари ҳам отасига тортди.

Мен баъзан аёллигимга бориб: «Мактабда боғ бор. Мевалар барқ уриб пишиб ётибди. 2-3 та лимон, биринкита олма олиб келинг, фарзандларингизга, десам у хўмрайиб: «Бу гапни бир айтдингиз, бошқа айтманг. Мен тугун кўтаришни ёмон кўраман. Кўрганлар нима дейди? Ана, бозор яқин, меваларни истаганингизча харид қиласкеринг!»-деб жеркиб берарди.

Айни пайтда, унинг соғлиги яхши эмас. Баъзан оғриб қолади. Шундай пайтларда маҳалла ёки бошқа тадбирларга чақириб қолишади. У албатта боради. Мен кўп марта: «Ҳай дадаси, ётиб дам олинг. Соғлиғингизни ўйласангизчи», десам у норози охангда: «Йўқ, мен одамларга ҳали керак эканман. Чақиришдими, демак бориш керак» дейди. У ўз билганидан қолмайди. Албатта мен бу гапни яхши маънода айтияпман. Хушомадгўй инсонларни унчалик хуш кўрмайди. Бу ҳақда гапираверсам гап кўп. Улар ҳақида унинг яқиндан билган дўстлари ва қасбдошлари гапиргани маъқул, деб сўзини тутатди у.

М.Акбаров ҳақида туман ҳокимиятида у билан бирга ишлаган ҳоким ўринбосари А.Исахонов шундай деди: «М.Акбаров Куба шаҳар «Тошкент» маҳалласида истиқомат қиласди. Мен уни 1984 йилдан буён биламан. Оиласи маҳалладаги нуфузли, намунали оиласалардан бири ҳисобланади. Фарзандлари ўқимишли, одобли. М.Акбаров шахсига келадиган бўлсак, маданиятли инсон. Мана шу жиҳатлари унинг

маънавий қиёфасини ифодалаб турибди. Кўп китоб мутолаа қилгани боис, ундан турли саволларга жавоб олиш мумкин. Одамлар билан бўлган мулоқотларда шахсан бунга ўзим шохид бўлганман. Бундан ташқари, юраги пок, кечиримли ва кек сақлашни яхши кўрмайди. Энг асосийси моҳир машкилотчи, ишни кўзини билади. Шу боисдан у узоқ йиллар давомида туман маъмуриятида турли лавозимларда ишлаб келди. Мулоҳазали инсон. Мантиқан тўғри фикр юритади. Ўз манфаатларидан халқ манфаатини юқори қўяди. Ўзимга бўлсин демайди. Бу гуйгу инсоннинг энг яхши ҳислатларидан бири, деб ўйлайман.

Айниқса, у хокимият томонидан 1-мактабга раҳбар этиб тайинлангандан сўнг ўз таланти ва ташкилотчилик маҳоратини намоён этиб, нималарга қодир эканини амалда кўрсатди. Ҳали ҳеч кимнинг оғзига тушмаган оддий мактабни, тумандаги энг илғор мактаблар сафига олиб чиқди. Жамоа билан тил топди, унга ишонди, жамоа ҳам уни қўллаб-кувватлади. Қарс икки қўлдан чиқади деган гал бор. Бир жон, бир тан бўлиб, меҳнат қилишгани боис натижа ҳам ўшанга яраша ижобий бўлди.

Қува туман халқ таълими бўлими мудири лавозимида ишлаган Муқаддасхон Собирова дил изҳорини шундай баён этади:

«Мен маориф соҳасининг раҳбари бўлганим боис, тумандаги барча мактаб раҳбарларининг таржимай ҳолини яхши биламан чунки, раҳбарлик масъулияти шуни тақозо этади. Қолаверса, бу менинг зиммамдаги иш фаолиятим. Шу боисдан мен гапни узоқдан бошлайман.

Мўсажон ака Акбаров ўз иш фаолиятини 1961

Йилда Қирғизистон республикасининг Қизилқия шаҳридаги 7-сонли хунар-техника билим юртида тарбиячи-ўқитувчиликдан бошлаган. 1970 йили Фарғона давлат педагогика институтини тамомлагандан сўнг Қува туманидаги 84-интернат-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлади.

1973-1991 йиллари Қува туман «Билим» жамиятида масъул котиб, туман партия қўмитасида инструктор, кабинет мудири ва бўлим мудири лавозимларида фаолият кўрсатди.

1991 йилдан ҳозирги кунгача Қува туманидаги 1-сонли умумий ўрта таълим мактабида директор бўлиб ишлаб келяпти.

У узоқ йиллар давомида, маориф соҳасида самарали меҳнат қилиб, ўзига хос мактаб яратган устоз, раҳбардир. У ишлаган даврда мактабда таълим-тарбия сифати яхшиланди. Ўқитувчиларнинг малакасини оширишга катта аҳамият берди. Илгор ўқитувчилар рағбатлантирилди. Уч нафар ўқитувчи «Халқ таълими аълочиси», бир нафар ўқитувчи эса «Дўстлик ордени» билан тақдирланди.

Шу давр ичидаги ўқувчилар контингенти 1020 тадан 1850 тага етди. Синфлар сони 41 тадан 59 тага ортди. Мактабда таълим-тарбия икки тилда ўзбек ва рус тилларда олиб борилади. 400 нафардан ортиқ ўқувчи туманинг ҳудудларидан келиб ўқишади. Бунинг боиси бор, албатта. Чунки, бу мактабда илгор ва малакали устозлар дарс беришади. Шу боисдан, кўплаб ота-оналар ўз фарзандини айнан мазкур мактабда илм олишларини исташади.

Мактабнинг ўқув базаси замонавий талабларга

тўлиқ жавоб беради. Хусусан, 28 та фан кобинети, фан майдончалари ва заллари, стадион ва спорт майдончалари, ошхона ва саломатлик хоналари, шунингдек компютер хонаси хизмат кўрсатмоқда. Мукаммал жиҳозланган бошлангич синф хоналари, физика ва кимё, немис тили ва математика, она тили ва адабиёт, тарих ва меҳнат хоналари туманда намунали ҳисобланади.

Туманда маориф соҳасида биринчи бўлиб, тадбиркорликни йўлга қўйган Мўсажон aka Акбаров мактабда 2 гектар боғ яратди. Ҳар иили лимонариядан 4 миллион сўрдан ортиқ соф даромад олинмоқда. Шу боисдан мактабнинг моддий-техника базаси мустахкамланди.

Мактаб атрофи девор билан ўралди, мактаб томи эса 550 та шифер билан ёпилди. Бундан ташқари, мактаб дарвозаси қурилиб, савдо дўкони ташкил қилинди. Мактабнинг иситиш тизими тўлиқ ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Мактабда Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди.

Мактаб ўқитувчилари «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси», «Энг намунали синф раҳбари», ва бошқа турли қўрик танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Кувонарлиси шундаки, мактаб ўқувчилари ҳам ҳар иили ўтказиладиган олимпиада ва танловларда қатнашиб, мукофотли ўринларга сазовор бўлишяпти. Шу давр мобайнида, ўқувчилар 7 марта республика фан олимпиадасида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашга муаффақ бўлишди.

Шунингдек мактаб ўқувчилари «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида туман ва вилоят миқёсида

ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида қатнашдилар ва муносиб ўринларни эгаллаб қайтишди. Улардан уч нафари бронза медали ва эсдалик совғалари билан тақдирланишли. Шуниси қувонарлики ўқувчилар орасида спорт усталари ва спортнинг баъзи турлари бўйича чемпионлар бор.

Мактабда, ҳар ўқув йилида 11-синфни битирган ўқувчиларнинг 25-35 фоизи олий ўқув юртларига кириб ўқияптилар. Баъзи иқтидорли ўқувчилар интернет орқали имтихон топшириб, чет давлатларда ўқишга мұяссар бўлишди.

Мактаб 2002 йил «Йил мактаби-2002» танлов ғолиби деб топилди. «Обод махалла йили» да эса ушбу мактаб «Обод мактаб» кўрик танловида фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди. Шу боисдан биз М.Акбаров раҳбарлик қылётган ушбу мактаб билан қанчалик фаҳрлансан арзиди.

Таъкидлаш жоизки, М.Акбаровнинг жамоатчилик фаолияти ҳам фоят ибратлидир. У бир неча йиллар давомида туман кенгашида депутат, ҳалқ таълими бўлими кенгашининг аъзоси сифатида туманда маориф ва маданиятни юксалтиришга катта ҳисса кўшган инсондир.

М.Акбаровнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, унга «Ҳалқ таълими аълочиси» унвони берилди. Маориф Вазирлигининг фаҳрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Мактаб ўқитувчilarининг иш тажрибаси бир неча бор вилоят ва республика телевидениеси орқали намойиш этилди. Бундан ташқари, теран билим сохиби бўлган устознинг таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ, оила ва махалла муаммоларига оид туркум мақолалари

матбуотда чоп этилган.

Унинг мактаби туманда «таянч мактаби» ҳисобланади. Бунинг исботи ўлароқ айтиш мумкинки, мазкур мактаб 2007 йили туманда «Энг яхши мактаб» танлови ғолиби бўлди.

М.Акбаров раҳбарлик масъулиятини теран ҳис этади. Фахрий мураббийлар, шунингдек меҳнат ва уруш фахрийларининг оиласидан доимо ҳабар олиб туради. Уларнинг имкон қадар қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, кам таъминланган кўп болали оила фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлашган ёрдам бериб келади. Шу боисдан, уйида якка тартибда билим олаётган ўқувчилар доимо диққат эътиборида. Шу туфайли ота-оналар М.Акбаровдан доимо миннатдор бўлиб келяпти. М. Акбаров ёшларнинг мураббийи ҳамдир. Ёш ўқитувчиларга устозлик қилиб, улардан маслаҳатларини аямайди. У ёшларга ишонади ва уларни қўллаб-қувватлайди.

М.Акбаровнинг фарғандлари ўқимишли ўз жамоасида ҳурматга сазовор инсонлар. Биз уларни сұхбатга тортдик.

Зарифахон дадаси ҳақида сўзлар экан, шундай деди: «-Дадам ҳақида китоб ёзилаётганини эшишиб, қалбимда ғуур ҳисси тўлқинланиб кетди. Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ота-онанинг олдидаги бурчи ҳақида шундай ёзади:

Бошни фидо айл ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Тун-кунга айлагил нур фош,
Бирисин ой айла, бирисин қуёш.

Бундай ҳикматли сатрларни буюк истеъдод соҳиби бўлган зот айта олиши мумкин.

Мен бу сатрларни бежиз келтирганим йўқ. Биз фарзандлар доим ота-онамизга ҳурмат бажо келтирганмиз. Бошқа ота-оналарга ҳам муносабатимиз шундай. Ота-онамиз бизларни мана шундай рұҳда тарбиялашган. Дадам доимо бизларга: «Кишининг ҳурмати ўз қўлида. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл. Ёшларнинг ҳурмати қарз», деб таълим берганлар. Ахир, фарзандларни дунёга келтирган ота-онани эъзозлаш фарзанднинг бурчи эмасми? Фикримни давом эттириб айтмоқчиманки, биз фарзандлар ота-онамиздан бир умр қарздормиз. Уларга қанчалик меҳр кўрсатмайлик, қанчалик моддий томондан ёрдам бермайлик бу қарзни умримизнинг охиригача узишимиз амри маҳол. Негаки, улар бизга ҳаёт бағишилаган улуф инсонлар ҳисобланади. Мен ўйлайманки, илмли, ақлли ва одоб соҳиби бўлган буни яхши англаб етади.

Дадамизнинг насиҳатларини олиб кам бўлганимиз йўқ. Чунки ота-она ҳеч қачон фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Фарзанд элнинг ҳурматини қозонса, бу-ота-онанинг бахти. Аксинча бўлса, бу ҳолат улар учун фожеадир.»

Жабборов Иброҳимжон устози ҳақида куйдагиларни гапириб берди: «Мен Мўсажон акани 1980 йилдан буён биламан. У узоқ йиллик педагогик фаолиятида жуда катта ютуқларга эришган инсон. Энг асосийси у ўз жамоасининг ҳурматини қозонди. Мактаб учун астойдил ва сидқидил билан меҳнат қилди.

Тан олиб айтиш керакки, у ёки бу соҳанинг ривожланишида раҳбарнинг роли катта. Унинг муносиб ҳиссаси бор. Бу ҳаётий ҳақиқатдир.» Буни

инкор этиб бўлмайди. Тўғри, раҳбар иш талаб қиласди. Маданиятли инсон бўлгани боис муомилани ҳам жойига қўяда. Кишининг асабини бузмайдиган даражади ётиғи билан тушунтиради. Ақлли одамга шуни ўзи етади ва тўғри хулоса чиқариб олади. Бундан ташқари ҳақгўй ва ҳолисона иш тутади. Илфор ўқитувчиларни қадрлайди.

Агар раҳбар ношуд ва манфаатпараст бўлса, урди худо деяверинг. Ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетади. Барака бўлмаса, ўша ташкилотдан файз, футур кетади.

Мўсажон ака ўз мансабини сусистеъмол қилмай, балки ўз манфаатларидан ҳалқ манфаатини юқори қўядиган инсонлар тоифасига киради. Шу боисдан у узоқ ишлади, педагогик жамоани ҳурматига сазовор бўлди.

Соҳибаҳон Қаюмова мазкур мактабнинг энг илфор ўқитувчиларидан бири саналади.

«Мен, -деди у биз билан бўлган суҳбатда, «Мўсажон ака Акбаровнинг иш фаолиятини маърифатга бағишланган зийнатли умр, дегим келади. Менинг айтган сўзларим шунчалик айтилган ҳавои гаплар эмас. Буларнинг, замирида рамзий маъно бор. Зотан, ҳаёт ҳикматларидан бири шуки, умр ўтаверади, лекин дунё ўша кўҳналигича тураверади. Кимдир ўзидан ўчмас из қолдиради, кимдир эса бесамар умргузаронлик қилиб, ҳатто ўзини ҳам англамай ўтади.

М.Акбаров бутун умрини эзгуликка ва маърифатга бағишилади. Устоз ўз ҳамкасларининг қалбига йўл топди, ва уларга ҳурмат қўзи билан қаради.

Истаймизми ёки йўқми ҳаётда тасодифий воқеалар содир бўлади. Бу албатта тақдир тақозоси. Бундай

пайтларда у уларнинг шодлигига шерик, қайғусига ҳамдардлик билдириди. Унинг ташкилотчилиги ва иш услуби туфайли мактаб юқори кўрсаткичларга эришди. Нафақат туман, балки вилоятда ушбу мактаб таянч илм даргоҳига айланди.

Биргина мисол: мактаб ўқитувчиларининг таълимтарбия услуби Фарфона ўқитувчилар малакасини ошириш институтида намуна сифатида эътироф этилиб, оммалаштирилди. Бу эса туман маориф ходимлари ва мактабга берилган ижобий баҳодир. Бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ албатта. Бунинг замирида, мактаб жамоаси ва раҳбарнинг узоқ йиллар давомидаги самарали меҳнати мужассам.

Маълумки устознинг баҳосини шогирдлари, раҳбарнинг баҳосини эса жамоа беради.

Юртимизда ўз умрини эзгу ишлар ва савобли амалларга баҳшида этаётган инсонлар қўплаб топилади. Бу тоифа кишиларнинг ҳаёт йўли бошқалар учун ибратдир. Бундай жонкуяр инсонлар ҳақида китоблар ёзилади ва ҳозир ҳам ёзиляпти. Чунки, улар элим деб, юртим деб, яшаб бошқаларга ўрнак бўляяпти. Албатта, яшашдан мақсад ҳам аслида шу-да. Гапнинг сирасини айтганда устозимиз Мўсажон ака Акбаров ҳам ана шундай инсонлар тоифасига киради.

Биз устозга узоқ умр, сихат-саломатлик ва жамоат ишларида куч қувват тилаймиз.

Филология фанлари номзоди, дотсент Ойбек Акбаров М.Акбаровни ўзининг маънавий устози деб, билади. «Яхшидан боғ қолади» деган, ҳикматли мақол бор, -деди у. «Ушбу иборага таъриф берадиган бўлсак, ўз-ўзидан аёнки, боғнинг мевасидан одамлар баҳраманд бўлишади, савоби эса боғ яратган инсонга

тегади.

Бундан ташқари бу хикматнинг фалсафий маъноси ҳам бор. Бое яратиш, бу эзгу амал ва инсон умрининг фаолияти. Инсон умрининг маъно-мазмуни, матлаб-мақсади аслида ана шунда эмасми? Ана шу тамойилларга бўйсунган Мўсажон ака фидойи инсонлар тоифасидан саналади.

Унинг иш фаолияти ҳақида туман маориф ходимлари ва кенг жамоатчилик яхши билади. Мен бу ҳақда тўхталиб ўтирмайман. Мен бу захматкаш инсонни узоқ йиллардан буён билганим боис унинг инсоний фазилатлари ҳақида фикр юритмоқчиман.

Мўсажон ака масъулиятни ҳис этидиган инсон. Айниқса, бу ижобий хусусият раҳбар табиатида зоҳир бўлса, нур устига аълонур ҳисобланади. Шу боисдан масъулият билан қарамайдиган ходимлар билан чиқиша олмайди. Зотан, таълим-тарбия борасида масъулият жиддий масала. Чунки, мактабда келажак авлод тарбия топади. Бепарволик ва лоқайдлик салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

У ўз сўзида ва фикрида турадиган қатъиятли ва иродали инсон. Гарчанд, бир қарашда юзлари жиддий туйилса-да, аммо меҳрибонлик хусусияти унга хос. Унинг сийратини уни яқиндан билган ва бирга ишлаган одамлар билади. «Одамнинг юрагида меҳр бўлиши керак», деб таъкидлайди устоз. Устознинг иш услуги ва бой тажрибасидан жуда кўп ёш раҳбарлар баҳраманд бўлишган ва бўлишяпти.

Юзаки иззат-икром кўрсатувчи хушомадгўй одамларни унчалик ёқтирумайди. У ватанпарварлик бурчини теран ҳис этади. Мактабнинг ички тартибига ўзи амал қиласи ва боқалардан ҳам шуни талаб қиласи.

Ўз-ўзидан аёнки, қаердаки, тартиб-интизом устувор бўлса, ўша ерда иш унумли бўлади.

Бирор нарса учун ҳаракат қилдими бас, унга етишиш йўлида ҳаракат қиласди. Ўз фикрини ходимларга тайзиқ билан ўтказмайди. У бу салбий ҳолатни раҳбарниң укувсизлиги деб, тушунади. Ақла ва фаросат билан иш битиради. Ўзини катта олувчи, кеккайган, такаббур одамларни хуш кўрмайди. Ташаббускорлик ақлли одамга хос эмас деган, тамойилга амал қиласди.

Илова тариқасида айтмоқчиманки, устоз қаерда ишламасин ўз касбига фидойилигини намойиш этди ва зиммасидаги вазифани шараф билан бажарди. Устознинг кўплаб шогирдлари турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб мамлакатимиз тараққиётiga муносиб ҳисса қўшиб келишяпти. Мазкур мактабда таълим олган бъязи ўкувчилар фан номзодлари ва фан докторлари илмий унвонига сазовор бўлишган.

Ҳакимов Абдувоҳоб 2001-2007 йиллари I-мактабда ўқитиши рус тилида олиб бориладиган синфларда физика ва математика фанидан дарс берган. Физикаматематика фанлари номзоди.

«Мактабга давлат сиёсати даражасида эътибор берилиши бежиз эмас, албатта,-деди у биз билан сухбатда. Шу боисдан «Кадрлар тайёрлаш» миллий дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди.

Маълумки, мактабда келажак авлоднинг онги шаклланади. Мамлакат тараққиёти эса бевосита ёшлар билан боғлиқ. Бу эса ўқитувчиларга жуда катта масъулият юклайди.

Ростиини айтиш керак. Мўсажон ака мактабга раҳбар бўлиб келмасидан аввал, агар тағбир жоиз бўлса,

мактабнинг номи улуг, лекин сурпаси қуруқ эди. Буни тан олишимиз керак. У келди-ю, барчаси ўзгарди. Ўз-ўзидан аёнки, қайси соҳада бўлмасин ишнинг ривожи кўп жихатдан раҳбарнинг иш услуби, билими ва тадбиркорлигига боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас. У ўзининг адолатпарвар, маърифатли ва ишни кўзини биладиган ишсонлиги туфайли педагогик жамоа ўртасида хурмат қозонди. Жамоа унга ишонди ва ортидан эргашди. М.Акбаров маориф ходимлари, маҳалла ахли ва жамоатчилик ўртасида ўз нуфузига эга инсон. Негаки, туман миқёсида олиб бориладиган тадбирларда фаол қатнашиб, ҳаётий тажрибалари ва маслаҳатларини халқ билан баҳам кўради.

Гарчанд, ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, жонажон мактабига тез-тез қадам ранжида қилиб туради, фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бу албатта ўз касбига содиқ садоқатли инсонга хос хусусиятдир.

Қува туман халқ таълими бўлими фахрийлар кенгashi раиси А.Нурматов М.Акбаров билан узоқ йиллар давомида маориф соҳасида бирга ишлаган инсонлардан.

-Мўсажон ака Акбаров туман ҳокимлигига ишлаган даврларида туман халқ таълими муассасаларини моддий-техника базасини мустахкамлаш ва кадрлар салоҳиятини яхшилашга катта эътибор берди.

Мактабга раҳбар этиб тайинлангач, унинг истеъдол қирралари намоён бўлди. Таълим-тарбия соҳасининг сифат ва самарадорлигини кескин яхшилашга эришди, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кирди.

Туман мактаб директорларининг сардори сифатида,

кўплаб ёш директорларга устозлик қилди, тажрибаларини ўртоқлашди. Унинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлди.

Айтиш жоизки, мактабда моҳир педагоглар фаолият кўрсатди. Диққатга сазовор жойи шундаки, мазкур мактаб ўқитувчиларидан 4 нафари Фарғона ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ва Фарғона давлат университетида ўз фанлари бўйича лекция ўқиб, машфулот ўтказиб келяпти. Ушбу мактабни битирган айрим иқтидорли ўқувчилар чет давлатларнинг олий ўқув юртларида таҳсил оляптилар.

Қўриниб турибдики, мазкур мактабдаги таълимтарбия жараёни ва илфор ўқитувчиларнинг ўқитиш услублари мақтовга сазовордир. Албатта, бундай муаффақиятларда мактаб раҳбари Мўсажон аканинг беқиёс ҳиссаси бор.

Қува тумани халқ таълими бўлими мудири лавозимида ишлаган Таваккалжон Маматов куйдагиларни сўзлаб берди.

«Ўз касбининг устаси М.Акбаров «Таълим тўғрисида» ги Қонунни ҳаётга тадбиқ этиш ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га муофиқ таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилиш учун изланиб, фаолият кўрсатаётган моҳир ташкилотчи инсонлардан биридир. У мактабда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга ўзларидаги ноёб истеъодони намоён этишлари учун имкон қадар шароит яратиб беришга катта аҳамият беради. Бунинг натижасида, кўплаб ўқувчилар нафақат туман, балки вилоят ва республика

фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда қатнашиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишиди. Ўқитувчилар ҳам таълим-тарбияга оид турли синовларда иштирок этиб муаффакиятларни қўлга киритишиди. Шу боисдан, улар вилоят ҳалқ таълими бошқармаси ва республика ҳалқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланганлар. Биз улар билан ҳақли равища да фахрланамиз.

М.Акбаров Ўзбекистон республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли «Бюджет ташкилотларининг молиялаштириш тартибини такомиллаштириш ҳақида» ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиб, тадбиркорлик билан иш олиб борди. Албатта, улдабурон одам эртанинг ғамини ейди. Қолаверса, бозор иқтисодиёти ҳам бошқа ташкилотларга каби мактабга ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. Бу жараён билан ҳисоб-китоб қилмасликни сира иложи йўқ. Чунки, замон шуни талаб қиляпти. Буларни ҳис этган М.Акбаров сармоя топиб, Куда милий банкидаги ҳисоб-рақамига пул туширяпти. Мактабнинг ўз мевали боғи ва лимонарияси бор. Мактаб еридан ҳам мўл хосил олиняпти. Топилган даромад эса, мактабни таъмирлаш ва унинг эҳтиёжларини қоплаш учун сарфланяпти.

Президентимиз Ислом Каримов: «Ҳақиқий раҳбар мана шу ер «меники, мана шу ер «ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш «менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим деган эътиқод билан яшаши ва ишлаши зарур. Шундагина ташаббускор, изланувчан, тиним билмайдиган раҳбар ҳар қандай муаммонинг ечимини топа олади».-деб айтган эдилар.

М.Акбаров Юртбошимизниг даъватига амал қилган ҳолда иш олиб борди.

М.Акбаров давлатимизнинг таълим-тарбияга доир қарорлари ва директив ҳужжатларида белгиланган кўрсатма ва вазифаларини юракдан теран ҳис этади. Ва уларни бажаришга ҳаракат қиласди.

М.Акбаров бошқараётган ўқитувчилар жамоаси қўйдаги йўналишларга катта эътибор беради:

-янги педагогик технология ва педагогик психалогия;

-таълим жараёнини назарий ва амалий бошқариш;

-ўқув машғулотларини режали ташкил этиш;

-услубий, илмий-услубий ишларни муаффаклаштириш;

-Физика-математика таълимида фаннинг замонавий ютуқларидан самараали фойдаланиш;

-муомила маданияти ва хизмат этикаси;

М.Акбаров ҳозир жамоатчилик асосида ташкил этилган «Нуроний» жамғармаси билан бирга ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Лекин, аслини олганда у бундан манфаатдор эмас. Негаки, иш ҳаққи тўланмайди. Лекин у жамоат ишини ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билади. Мен унинг табиатини яхши биламан. У уйда тинч ўтиrolмайди. Одамлар орасида бўлгиси келади. Бирор кимсага нафи теса хурсанд бўлади. Ўйлайманки, бу туйбу ҳам инсон табиатидаги ноёб фазилат ҳисобланади, -деб сўзини тутатди Таваккалжон Маматов Ҳабибулло Зайнидинов ҳам Куба туман ҳалқ таълими бўлими мудири лавозимида ишлаган. У 1951 йилда таваллуд топган. Ҳозир мозортаги махалласида истиқомат қиласди. Илова тариқасида айтмоқчимизки.

Ҳ.Зайнидиновнинг раҳбарлик даврида туман маориф ходимлари юксак маррага эришган. Таълим тизимида ижобий ўзгаришлар юз берган. Буни эътироф этиш керак. Инкор этиб бўлмайди. Тумандаги кўплаб мактабларнинг юқори погоналарга кўтарилишида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Унинг шахсияти ҳақида гапирадиган бўлсан, у ўқимишли ва ўта маданиятли инсон. Уни яқиндан билганим боис, унинг ҳақида ҳолисона фикр билдириш учун менда тўла асос бор.

Ҳ.Зайнидинов биз билан сухбатда дил изҳорини шундай баён этди:

-М.Акбаров билан 1980 йилдан буён то нафақага чиққунга қадар бирга ишладим. Шу боис мен уни жуда яхши биламан.

Айниқса, ҳозирги шароитда раҳбар бўлиб ишлаш осон эмас. Хусусан таълим соҳасида. Чунки, давлат раҳбар зиммасига жуда катта масбулият юклаяпти. Бу табиий ҳол албатта. Таълим-тарбия масаласи жуда нозик масала. Чунки мактабда мамлакатнинг келажак авлоди шаклланади ва тарбия топади.

Мен раҳбарнинг бурчи ва масъулияти ҳақида фикр юритмоқчиман. Аввало раҳбар ҳар жабхада бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Тўғри, иш бор жойда хато-камчиликлар бўлади. Бу ҳолат баъзи бир шахсиятпаст ва қитмир одамларга қўл келади. Улар тирноқ остидан кир қидиришга тушади. Бу тахлит одамлар онда-сонда бўлса ҳам учраб туради. Бундай одамларга нисбатан бепарво бўлиш ярамайди. Зотан, яра газзак олмасдан ўз вақтида муолажа қилинса, тезроқ тузалади. Оқибатини ўйламай иш тутадиган одам тарбияга муҳтоҷ. Бу тоифа одамларга қарши

курол, бу халоллик ва тўғрилик. М.Акбаров раҳбарлик қилган мактабда ҳам дастлабки даврда мана шундай ҳолат рўй берган эди. М.Акбаров ўз қобилиятини ишга солиб, бу тоифа одамларнинг онг ва руҳиятига маънавий таъсир ўтказди. Ниҳоят жамоа ўртасида соф муҳит юзага келди. Олди-қочди гапларга ўрин қолмади. Бу М.Акбаров раҳбарлик салоҳиятининг бир кўриниши ҳолос.

Агар раҳбар софдил, бирор ножӯя хатти-ҳаракатга йўл қўймаса, унга ҳеч ким дахл эта олмайди. Демак, раҳбар ҳам маънан, ҳам руҳан пок бўлиши керак.

М.Акбаровда адолат ва виждан амри билан иш юритиш туйғуси мужассам. У доим инсофий иш тутади. Одатда, инсон ҳаётга муҳаббати билан кучли. Шундай эмасми?

М.Акбаров вижданан меҳнат қилган одамларни ҳурмат қиласи. Ўз устида исламайдиган, изланмайдиган одамларга нисбатан «муросаю мадора» йўлига ўтмайди. Улардан иш талаб қиласи. Хато ва камчиликларга доимо муросасиз бўлиб келди. Мустахкам иродали ва ўз мустақил фикрига эга. Керак бўлса, уни химоя қиласи. Ўз ишини қойиллатиб бажаради. Шу боисдан унинг иш услуби тахсинга сазовордир.

М.Акбаров ҳақида унинг инсоний фазилатлари хусусида гапираверсам адо бўлмайди.

Биз мазмунли сухбат учун Ҳабибулло Зайнидиновга лутфан ташаккур билдириб у билан хайрлашдик.

Валижон Алиев М.Акбаров билан Қува туман партия қўмитасида бирга ишлаган.

У бир оз ўйлаб турди-да, сўнгра деди:

-Унинг оиласи билан узоқ йиллардан қалин дўстмиз. Шу пайтгача борди-келдимиз узликсиз давом этиб келяпти.

Бундан ташқари, ҳар ойнинг биринчи чоршанбасида, кўнгилга яқин дўстлар у билан учрашиб турамиз. Мақсадимиз табиатнинг гўзал ва сўлим гўшасига бориб ҳордиқ чиқаришдан иборатдир. Ҳозир нафақадамиз, дам олиш ҳам керак-да, ахир. Шундай эмасми?

Майли, бу гап-гаштаклар ўз йўлига. Мавриди келгани учун айтдим-да.

Инсон жамиятсиз яшай олмайди. Демак унга хизмат қилиши керак. М.Акбаров мана шу йўлдан боради. Ундан кўп одамлар яхшиликлар кўрган.

Сиз М.Акбаровнинг ҳаёт йўли ва ташкилотчилик маҳорати ҳақида батафсил ёзилди, деганингиз учун мен бу ҳақда тўхталиб ўтирмайман. Айтилган гапларни қайтадан такрорлаш бу «оқиллик аломати эмас. Мен унинг айрим инсоний ҳислатлари ҳақида фикр юритмоқчиман ҳолос.

Айтганининг устидан чиқадиган мард одам. Дўстларининг бошига бир иш тушганда, доим ёнида туради, ёрдамини аямайди. Ҳеч бўлмагандан маънавий томондан кўнглини кўтаради. Муҳими ишончли одам. Шундай дўстларнинг бори яхши, чунки юкинг ерда қолмайди. У кайф-сафога берилган одамларни ёқтирумайди. У эзгу амалларни ўзи учун шиор қилиб олган. Бу эса муҳим, ижтимоий аҳамиятга эга. Яхши одам жамиятнинг кўрки ҳисобланади. Бошқалар учун ибрат, намуна. Орамизда шундай фидойи инсонлар бор экан юртимиз гуллаб яшнайверади. Жамиятдаги парокандалик ёмон ва ахлоқсиз одамларнинг хатти-



Мусожон Акбаров



Мусожон аканинг дадаси
Акбарали Юнусов



Мусожон аканинг умр
йўлдоши Мархаматҳон ая
Эрматова



Мусожон Акбаров оила даврасида



Дарс пайтида



Кутлов



Мусожон Акбаров ўқувчилар даврасида



**Мусожон Акбаровниг
тогаси Фозилжон
Мадалиев**



**Марҳаматхон аянинг
дадаси Хорунбай Эрматов**

ҳаракатидан бошланади. Аслида, ҳаётнинг бардавом этиши ҳам яхши одамлар туфайли бўлса керак, деб ўйлайман. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Мен унақа гапга чечан эмасман, шу боисдан гапимни шу ерда мухтасар қилмоқчиман. Лекин Мўсажон ака бу фикрларимдан мустасно, аксинча у ҳам гапга чечан, ҳам ишга чечан инсонлар тоифасидан ҳисобланади. Илоҳо, умрлари узун бўлсин ва фарзандларини роҳатини кўрсин.

Мўсажон аканинг фарзанди Зиёдахон Фарғона шаҳар тез тиббий ёрдамида врач-генеколог бўлиб ишлайди.

«Билмадим, сизга нима десам экан, -деди у тортинибгина, -биз фарзандлар ота-онамизнинг бизга кўрсатган меҳрибонликлари ҳақида фикр юритишими мумкин ҳолос. Уларнинг иш фаолияти ва қандай одам эканликларини улар билан бирга ишлаган одамлар билади.

Дадам бизларга нисбатан талабчан, аммо қаттиққўл бўлган эмас. Баъзи оталарга ўхшаб, бизларни туртиб, уриб ёки одоб-ахлоқ доирасига сифмайдиган бешарм гаплар билан ҳақорат қилганини ҳеч эслолмайман. Тўғри, болалигимизга бориб, шўхлик қилсанк мулойимлик билан танбех берарди. Бизга шуни ўзи етарди. Чунки, биз дадамни жуда яхши кўрар ва хурмат қилар эдик. Бизнинг болаларча тасаввуримизда дадам бизлар учун идеал инсон эди. Кейинчалик ҳам биз мана шу ҳиссий туйғуни ҳис этиб яшадик. Биз одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик дарсини ота-онамиздан ўргангандиз. Мана шу туйғу қалбимизга ўрнашиб қолган. Оиламиз тўқис яшаса ҳам дадам бизларни талтайтириб юбормаган. Кийим-бошимиз ҳам бошқа

болалардан фарқ қилмаган.

Дадам бизларга: «Беш құл баробар әмас. Кимларда бор, кимларда йүқ. Агар сизлар олифта кийиниб юрсаларинг бошқа болаларнинг иззат-нафсига текган бўласиз. Доимо ёдда тутиңг: инсон халқдан чиқиб кетмаслиги керак. Агар шундай ҳолат юз берса, бунинг учун сизларга ҳеч раҳмат демайди, баълки одамларнинг сизлардан кўнгли қолади», -деб таъкидлар эди.

Куш уясида кўрганини қилади, деганларидек, биз ҳам ота-онамизга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қилдик. Уларнинг юзини ерга қаратмадик. Улар бизни вояга етказди, ўқишимизга шароит яратиб беришди, натижада олий маълумотли бўлдик. Ҳаётда ўз ўрнимизни топиб олдик. Биз ота-онамиздан нимаики олган бўлсак, мен эзгу амалларни назарда тутялман, ўшаларни фарзандларимизга раво кўряпмиз.

Узоқ йиллар Куба туман халқ таълими бўлимида фаолият кўрсатган Собиржон Фозилжонов Мўсажон аканинг яқин сафдошларидан бири ҳисобланади.

-Ҳар касбнинг ўзига хос машаққатли томонлари бўлади, деди у, Умуман олганда, осон касбнинг ўзи йўқ. У хоҳ шиофкор, хоҳ савдо ходими, хоҳ тадбиркор бўлсин, унинг қийинчиликлари ва сир-асрорлари бўлади.

Менинг фикримча ўқитувчилик касбнинг жамият миқёсида ўз ўрни ва масъуляти бор. Буни хамма билади. Бу касбни таълаган инсон доимо изланишда ва маънавий томондан етук бўлиши керак. Бундан ташқари, ёш авлодга нисбатан қалбила меҳр устувор бўлиши зарур. М.Акбаров ана шундай меҳри дарё инсонлардан ҳисобланади.

Мустақиллик туфайли Ватан туйгусини дилига жо этган ватанпарвар инсонлар тоифаси жамиятимизда шаклланди. М.Акбаров ҳам ана шундай инсонлар тоифасига киради. Бу фидойи инсоннинг тадбиркорлиги ва одамийлиги ҳақида қанча кўп гапирсак, озлик қиласи. Бақт тақозоси туфайли мен сўзимни шу ерда якунламоқчиман.

Бизнинг сұхбатимизга бир даврлар туман қишлоқ хўжалик ходимлари касаба уюшмаси раиси лавозимида фаолият кўрсатган, олий маълумотли маданият ходими Иброҳимжон Кўзиев келиб кўшилди.

-Фозилжонов айтмоқчи, Мўсажон aka меҳри дарё инсонлардан ҳисобланади. Маданият ходими бўлганлигим боис, менинг иш фаолиятим ҳам баъзи жихатдан тарбия билан боғлиқ.

Туман миқёсида ўтказиладиган ижтимоий маданий тадбирларнинг режасини тузишда Мўсажон акага мурожаат қиласдим. Чунки унинг мулоҳазали фикрлари ва тоққирлиги мени ҳайратга соларди. У билан бирга ишлаган даврда кўрик-танлов ва тадбирларни бирга олиб боришга тўғри келган. У менга доимо далда берар ва қалтис вазиятлардан чиқиб кетишимга кўмак берарди. У маданият соҳасини ҳам жуда яхши биларди. Ҳатто туман раҳбари Мўсажон aka Шербўтаевнинг баъзи ижтимоий масалаларда ундан маслаҳат сўраганини гувоҳи бўлганман, деб сўзини якунлади Иброҳимжон.

Фоуржон Қорабоев «маҳалланинг имом ҳатиби. Ислом дини тарихи ва маданиятини жуда яхши билади. Ўқимишли инсон. Нафаси ширин. Куръон тиловот қилганида одамни сел қилиб юборади.

Мўсажон aka маҳаллада ўтказиладиган турли

тадбир ва маросимларда фаол қатнашиб келган. Айниңса, диний экстремистик оқимларнинг зарари ҳақида жуда кўп маъruzалар қилган. Албатта бу чиқишлиар ёшларнинг тарбияси ва онгига ижобий таъсир кўрсатгани аниқ.

Менинг фаолиятим Ислом дини билан боғлиқ бўлгани боис шу ҳақда икки оғиз сўз айтмоқчиман.

Афсуски, орамизда ҳали ҳам Ислом динининг моҳиятини тўла ҳис этмаган одамларнинг борлиги ачинарли ҳолдир.

Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, дин давлатдан ажратилган бўлса ҳам, лекин жамиятдан ажратилган эмас. Бунга қўшимча қилиб айтишим мумкинки, дин жамият билан ҳамнафас ва жамият қонунлари асосида тараққий этади.

Ислом дини «поклик дини. У қон тўкишни ва бузғунчиликни қатъяян ман этади. Жаҳолатга қарши маърифат ила курашга чакиради. Шу боисдан биз ёшларни доимо огоҳ бўлишга даъват этамиз. Зотан, бу бизнинг касбий ва виждоний бурчимиздир, -деди Фофуржон.

Илҳомжон «Мўсажон аканинг тўнғич фарзанди. Фарғона шаҳар тез тиббий ёрдамида жарроҳ бўлиб ишлайди. У анча ўқимишла ва мулоҳазали йигит экан. Биз у билан бўлган мулоқотда бунга амин бўлдик. Дунёвий илмлардан боҳабар эканлиги кўриниб турибди.

-Аввало дадам ҳақида уни яқиндан билган дўстлари ва касбдошлари гапиргани маъқул эди, -деди у стулга bemalol ўрнашиб олгач, -лекин савол берилган экан, унга жавоб қайтариш жоиз, албатта.

Хабарингиз бор узоқ йиллар маориф тизимида

мәхнат қилди. Мана, энди унинг роҳатини кўриб умргузаронлик қиляпти. Онам тўғрисида ҳам шундай фикр юритишим мумкин. Мен бундан беҳад хурсандман. Бизнинг баҳтимизга яна узоқ йиллар бирга яшасинлар.

Дадам ҳеч қачон замондан нолиган эмас. Тўғри, мустабид тузум даврида ишлар оғир кечган. Орзули дунё деб бежиз айтишмаган. У яхши замонни кутиб яшади. Юртимиз мустақил бўлгач, бутун куч кудратини ёш авлод тарбиясига бағишлади.

Менинг касбим шифокор. Шифокор адашмаслиги керак, деган қоида, бор. Бу мантиқан тўғри фикр. Акс ҳолда инсон ҳаёти фожеа билан тугаши ёки ёмон асоратларга олиб келиши мумкин. Ўйлашимча, таълим-тарбияни ҳам мазкур қоидага муқояса қилса бўлади. Ўқитувчи -устоз ҳам адашмаслиги керак. Чунки, таълим-тарбия катта аҳамиятга молик масала. Келажак эса ёшларники. Шу боисдан уларга тўғри тарбия бериш керак. Тўғри тарбияланган бола ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди. Истаса илм олади ёки Ватан равнақи учун бирор фойдали иш билан машғул бўлади. Таълим-тарбиянинг асосий мақсади аслида шу эмасми?

Баъзан уйда беихтиёр, тасодифан дадам билан онамнинг ўзаро суҳбатини эшитиб қолардим. Кўпинча гаплари инсон фазилатлари ҳақида борарди. Ўша даврлар бола эдим. Менинг ақлим етгани шу эдики, дадам тамагир, ўзига бино қўйган, такаббур, хушомадгўй ва ишёқмас одамларни ёмон кўрар экан. Аксинча, хушфеъл, ростгўй ва ғайратли одамларни Қадрлар экан. Тўғрисини айтсам, мана шундай ҳислатлар менинг табиатим «хулқ «авторимда ҳам бор.

Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Негаки қуш уясида кўрганини қилади деган ҳикматли гап бор.

Такаббурланиш ақдли одамнинг иши эмас, деб уқтиради бизга дадам. Мен эсимни таниганимдан буён дадамга хавас қилганман. Ҳозир ҳам мана шу туйғу ҳамон мени тарқ этгани йўқ. Унинг озода кийинишидан тортиб, юриш-туриши ва ҳатто сўзлашув оҳангига ҳам тақлид қиласдим. Албатта, яхши маънода, -деб кулиб қўйди у. Сўнгра бир оз ўйланиб турди-да, сўзини давом эттирди: -Ёмонни танқид қилади, яхшига тақлид қилади, -деган гап ҳам бор-ку.

Дадам онамни беҳад хурмат қилиб, унга «сиз» деб мурожаат қилади. Улар бир-бирлари билан уришиб, сен-менга борганини ҳеч эслай олмайман. Шу босдан қўни-қўшнилар ва маҳалла аҳли оиласизнинг тутувлигига доимо хавас қилишарди.

Дадам қўли бўш бўлди дегунча, менга вақт ажратарди: уй вазифалари ва кундалигимни синчиклаб текширади. Фарзандларга оталик масъулиятини ҳис этиш туйғуси менга дадамдан ўтган. Шу боисдан мен ҳам фарзандларимга эътиборимни четда қолдирмайман.

«Сизлар кимнинг фарзанди эканингизни унутманг!» -деб уқтиради эди дадам бизларга, -тўғри бизлар юқори лавозимдаги одамлар эмасмиз. Лекин, ўқитувчи-устоз деган улуг номимиз бор. Ота-онага раҳмат олиб берадиган ёки лаънат олиб берадиган ҳам фарзанддир. Шу боисдан доим тўғри юриб, тўғри туринглар. Бетайин одамлар билан дўстлашманглар. Сизларнинг вазифангиз одобли бўлиш ва аъло баҳоларга ўқишдан иборатдир, -деб таъкидлар эди

дадам.

Биз болалар иложи борича, ота-онамизнинг панд-насихатларига амал қиласардик.

Дадам ҳақида орқаворотдан яхши гаплар эшитиб қолсам, беҳад кувониб кетардим. Шундай инсоннинг фарзанди эканимдан гурурланардим.

Дадам бизларни болалигимиздан мустақил ҳаётга ўргатганлар. Ҳамма ишни ўзимиз ўйлаб қиласардик.

Дадам доим бизга: «Ўзингта ишон. Келажакда орзу-мақсадга меҳнат ва изланиш, ақл ва билим билан етасан. Мен бу борада Сизларга ёрдам қиломайман. Мен иложи борича, фақат моддий томондан ёрдам беришим мумкин, ҳолос. Бошқаси қўлимдан келмайди», -деб таълим берганлар.

Дадамнинг қатъий сўзли ва аҳидидан қайтмаслигини биз фарзандлар яхши билар эдик. Шу боисдан мен нимани мақсад қилган бўлсам, ўз куч-куватим, ақлим ва билимим билан эришдим. Мен ҳеч қачон хоҳ болалик чофимда, хоҳи йигитлик ёшимда бўлсин, дадамни орқа қилиб иш битирмаганман. Чунки, бу ишим фойдасиз эканини ва мени қўллаб-куватламаслигини яхши билардим. Биз бу ҳолатдан заррача бўлсин кўнглимиз ўксиб, хафа бўлмас эдик. Чунки, биз шу йўсинда тарбия кўрган эдик. Ота-онамизнинг феъл-атвори бизнинг онг-шууримизга сингиб кетган эди.

Дадам бўш пайтларида, бизга ўтмиши ҳақида сўйлаб берарди. Айтишига қараганда, болалиги осон кечмаган. Онасидан эрта айрилади. Сўнгра отаси ҳам бу ёруғ лунёни тарқ этди. У акаси ва келиойисини Қўлида қолади. У ўз хотираларини шу қадар дардли ва аламли тарзда хикоя қилиб берардики, биз сукут

сақлаб, мијжа қоқмай тинглардик. Иккала синглим эса ўпкасини тутолмай пиқиллашиб, йиғлаб ўтиришарди. Мен сизнинг қалбингизни изтиробга солмаслик учун бу ҳақда бошқа гапирмайман. Ўшанда дадамнинг изтиробга тўла айтган сўзлари, албатта бизга ўз таъсирини ўтказган. Биз ҳаёт дегани фақат ўйин-кулгудан иборат эмаслигини эрта англаб етганимиз.

Албатта, инсон ўтмишни ҳам билиши керак. Ана шунда мустақил юртини ва ҳозирги дориломон кунларнинг қадрига етади. Келажак эса мана шу кунларнинг қутлуғ остонасидан бошланади.

Дарвоқе, эртанги кун ҳақида. Инсон у ҳақда нима билади? Эртага инсон тақдирида қандай воқеа юз бериши мумкин? ва ҳоказо. Бу саволларга жавоб топиш қийин. Аслида жавобнинг ўзи йўқ. Бу саволларга жавоб бериш учун инсоннинг тафаккури ожизлик қиласи. Чунки бу Ҳақ ва тақдир иши. Лекин инсон умид билан яшайди. Эзгу амали эса, уни ниятига етказади.

Биз фарзандлар бир умр ота-онамиз олдида бурчлимиз. Чунки, улар бизга ҳаёт ато этди. Улар бизни тарбиялаб вояга етказди, турмушга тайёрлади ва элга қўшди, «деб сўзини тугатди Илҳомжон.

М.Акбаровнинг иш фаолияти ва таълим-тарбия борасидаги хизматлари касбдошлари томонидан айтиб ўтилди. Мен бу ҳақда ҳозир гапирмоқчи эмасман. Мен Мўсажон аканинг одамийлиги, яъни чин инсонга хос ҳислатлари ҳақида фикр юритмоқчиман. Зотан эзгу амаллар ҳам бошқалар учун ибрат намунаси бўлиб, тарбиявий аҳамиятга эга.

Одатда, синчков одам ўзгалардаги чин инсоний фазилатларни кўриб, уларни қабул қиласи. Фойдали

томони шундан иборатки, ўша одам ўз хулқ-атворидаги нүқсон ва камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қиласди. Бу инсон учун энг яхши одатдир. Демак инсоний ҳислатларни ўзида тажассум эттириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳам тарбия олишнинг бир усули.

Мўсажон ака «суҳбати ширин, дилкаш одам. У билан гаплашсанг руҳан маза қиласан. Негаки, у жуда кўп китоб мутолаа қилган. Ўткир ақл соҳиби ва катта ҳаётий тажрибага эга инсон. Уйида шахсий кутубхонаси бор.

-Сиз билан суҳбатлашиш истаги туғилди. Ҳар сафар сиз билан мулоқот қилганимда, сизни инсон сифатида янгидан кашф этгандек бўлавераман. Сийратингиздаги очилмаган қирралар ёрқин кўринишда намоён бўлаверади.

Орзу-умид инсонга қанот баҳш этади. Сизнингча орзу «умид «мақсад нима? Унга қай йўл билан етишмоқ мумкин? «дедим унга тикилиб.

«Бунинг жавоби жуда оддий «ҳаракат қилиш керак, вассалом. Олма пиш, оғзимга туш, деган билан иш битмайди, -деди у. Бир оз ўйлаб тургач, сўнгра жавоб берди: -Энди бу сўзларнинг луғавий маъносига келсак, менинг фикримча, орзу-мақсад сўзлари ўзаро мантиқан муштарак. Ҳатто уларни эгизак сўзлар дейиш мумкин. Зотан, улар бир маънони англатади.

Мен орзу-мақсад сўзларининг маъносини шоирона таърифлаб беришдан ожизман. Сўзларим қўпол, иборалар ғализ бўлиши мумкин. шунга қарамай, уларнинг мазмун-моҳиятини билганимча жавоб бераман. Инсон ҳаёли доим у ёки бу орзу-мақсад билан банд бўлади. Масалан китоб ўқишдан мақсад,

«ундан маънавий завқ олишдир. Овқат танаввул қилишдан мақсад «яшаш ва организининг ҳаётийлигини таъминлашдан иборатдир. Уйланишдан мақсад «ўзидан зурриёт қолдиришдир. Сўзлашувдан мақсад ўз фикрини ифода этишдир, севишдан мақсад «севилиш ва маъшуқа ёрининг илтифотига сазовор бўлишдир. Шахмат ўйнашдан «мақсад рақибни моттаслим қилишдир. Ётишдан мақсад «дам олишдир. Юришдан мақсад «манзилга етиб боришдир, ва ҳоказо. Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Агар мақсад эзгу бўлса унга тез этишади. Яратган зот эзгу амалларни хуш кўради. Шу боисдан бандасини қўллаб-қувватлайди.

-Фикрларингиз изчил, уларда ишончли далиллар бор. Сўзларингиз исботга муҳтоҷ бўлмаган аксиомадир. Буни тан олиш керак, дедим хурсандлигимни яшира олмай. Мен фикримни давом эттириб айтмоқчиманки, инсоннинг қонида ҳаракат мужассам. Бундан ташқари, сийрат-жисмида илоҳий рух зоҳир. У ҳам доим ҳаракатда. Шулар туфайли мурод хосил бўлади...

Мен бир даврлар бир нуфузли йиғилишда М.Акбаровнинг катта бир идора раҳбарининг адолатни паймол қилувчи хатти-ҳаракатини қоралаб, унинг шабонига кескин гап айтганини гувоҳи бўлганман. Бунинг учун у ўз лавозимидан айрилиб қолиши ҳам мумкин эди. Лекин у ишдаги камчиликларни фош этишни ўзининг виждоний бурчи деб билди. Аввало, дангал, хойиқмай, рўйирост гапирищ учун катта журъат керак.

Фарзанд азиз, одоби ундан азиз, дейди ҳалқимиз. Шу боисдан у уларнинг хулқ-авторига алоҳида аҳамият берди. Натижада улар эсли-хушли бўлиб вояга

етишиди. Умуман олганда, фарзандининг тақдирини ўйламайдиган ота-оналар камдан-кам топилса керак. Айниқса, халқимиз болажон ва болапарвар. Ўзи емай боласига едиради, ўзи киймай боласига кийдиради. Уни уйлайди, жойлайди. Қиз бўлса турмушга беради. Оёққа туриб олгунча қўллаб-кувватлади. Бу фақат бизнинг миллатимизга хос хусусият.

Мўсажон ака маккорлик билан иш тутадиган, муғомбир «иш вактида айёр, ош вактида тайёр-» кимсаларни ёқтирмайди. Шунингдек, бир фикрда қатъий турмайдиган субутсиз, айнамачи одамлар билан ҳам чиқиша олмайди. Кайф-сафо ва айшу ишратга берилган одамларни кўришга кўзи йўқ.

Мактабга раҳбар бўлиб келганининг дастлабки ойлари эди. У эрта кетиб, кечга томон хориб-чарчаб келарди. У бу мактабга келмасидан аввал ҳам у ердаги ҳолат ҳақида аниқ тасаввурга эга эди. Шундай бўлсада, у розилик билдириди.

Бир куни Марҳаматхон ая ачиниб гапирди:

«Дадаси сизга нима азоб. Бундоқ ўзингизга қаранг. Соғлиғингизни ўйласангиз-чи. Менга қаранг, гапларимга яхшилаб қулоқ солинг. Ўзингизни алдамчи хаёллар билан овутиб юрманг. У мактабда иш оғир экан. Яқинда мен ўша мактабда ишлаб кетган бир ўқитувчи аёл билан гаплашдим. У ерда бир-бирини ковладиган тарафкашлар кўп экан. Раҳбарнинг қўнимсизлиги шундан экан.

Мўсажон ака бепарволик ва шунинг билан бирга қатъийлик билан деди:

-Мен бошлаган хайрли ишимни ниҳоясига етказишим керак. Мен сўз бердим, уни амалга оширишим зарур. Ўртада орият бор. Агар ориятсизлик

қилсам, вижлон азобида қоламан.

Уни шаштидан қайтара олмаслигини ҳис қилган
Марҳаматхон ая секин уҳ тортди.

М.Акбаров асаби мустахкам одам бўлиб, бўлар-
бўлмасга қизишиб кетадиган одати йўқ. У ўзини жуда
вазмин тутарди. Асабийлашмоқ бу иродасизлик
белгиси, деб тушунарди у.

Мактаб жамоаси унинг ахволи ва руҳиясини тезда
илғаб олишида ва ўшанга қараб у билан муомилада
бўлишиди.

У ўз қадр-қимматини баланд тутадиган инсон.
Ҳамма гап мактаб жамоасини ўзига нисбатан
ишонтиришда эди. Тез орада жамоа аъзолари унинг
ақл-идрок ва мулоҳаза билан иш қиладиган бамаъни
одам эканига ишонч хосил қилишиди. Мактаб
истиқболини мана шу одамнинг саъй-ҳаракатида
кўришиди улар.

Камина ҳам М.Акбаровни қўп йиллардан бўён
биламан. Бир вақтлар унинг ташкилотчилик махорати
таълим-тарбия борасидаги муаффакиятларига
багишлаб, газетага ҳам мақола ёзганман.

У менинг ўзим таълим олган 10-сон ўрта мактабда
менинг ижодимга багишланган кечада қатнашиб,
менинг ҳақимда айтган илиқ сўзларини тинглаб бафоят
таъсирланганман. Негаки, унда нотиқлик санъти ҳам
мужассам.

У аслида хушфеъл, нозиктаъб ва тавозели одам.
Аммо, вақт тақозоси ёки мунозаранинг қай йўсинда
кечишига қараб, унинг юзлари жиддий тус олиши
мумкин. агар суҳбатдоши ноҳақ бўлса, гап келганда,
ҳеч аяб ўтирмаиди. Шартта бетига айтади қўяди. Бетга
айтганни заҳри йўқ, деган мақол бор. Орқаворотдан

гап қилиб ўтирумайди. Дангал одам. Албатта, бу шарткесарлик одати кимгадир ёқмаслиги мумкин. бу табийи ҳол.

...Мўсажон ака, мен суҳбатимиз самими тус олишини истар эдим. Айтингчи, сиз инсон табиатидаги қайси ҳислатларни ёқтирасиз. Агар иложи бўлса, ана шу ҳислатларнинг маъно-моҳиятини ҳам ифодалаб берсангиз.

-Тушундим, бажонидил, «деди у ўйчанлик билан. Бирдан юзи жиддий тус олиб деди: -Мен камтарлик, самимилик, ҳақгўйлик, инсонпарварлик, жасурлик, ва чидамлилик каби ҳислатларни ёқтираман. Баъзиларини унутган бўлсан, суҳбат давомида уларга изоҳ бериб ўтаман.

Биз мақтанмайдиган, ўзини бошқалардан паст оладиган ва магрурланмайдиган кимсани камтар деб атаймиз. Лекин шуниси ҳам борки, ўта камтарлик ҳам баъзан одамга зиёни тегади. Айтайлик, тушунадиган одам бўлса, сизни хурмат қиласди. Аммо жоҳил ва нодон одамга бу қўл келади. У иложи борича, камтар одамни ерга уришга ва унинг инсоний фазилатларини поймол қилишга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам у нодон-да. Инсоннинг иззат-нафси муаддасдир. Шунинг учун оёқ-ости қилишларига йўл қўймаслиги керак. Аммо, камтар инсон жоҳил кимса билан ади-бади айтиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Менинг фикримча, ҳамма нарсаларнинг ўртачаси яхши.

Самимилик ҳислати кўпинча муомила билан боғлиқ бўлади. Самимилик кўнгилчанлик демакдир. Суҳбатижон, яъни самимият билан муомала қилувчи одамнинг юзидан нур ёғилиб туради. Истараси ҳам

иссиқ бўлади. Бу тоифа кишилар одамларнинг энг яхшиси дир. Аксинча, самимиятсиз одамнинг хатти-ҳаракати одамнинг асабини кўзғатади.

Ҳақгўйлик ҳақида нима дейишим мумкин. Яратган Зотнинг 99 та гўзал исми бор. Улардан бири Ал-Ҳаққ деб аталади. У тартиб рақамига кўра 52-ўринда туради. Бу «ҳақиқат ва ибодат қилишга лойиқ зот, одили мутлоқ деган маъноларни англатади. Сиз буларни яхши билсангиз керак.

Ҳақгўйлик тўғри сўзловчи, ростгўй одамга нисбатан айтилади. Бу ҳислат ҳам инсоннинг яхши одамлар сафидан ўрин олишига сабаб бўлади.

Юксак инсоний фазилатлардан бири инсонпарварлик дир. Мана шу ҳислатни дилига жо этган одам доимо бошқаларга ўрнак бўлади. Уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиласади. Ҳалқ баҳтини ўз баҳти деб тасаввур қиласади, керак бўлса унинг йўлида жон фидо қиласади.

Жасорат ва жасурлик ҳақида кўп гапириш мумкин. бу ҳислатлар ёшлиарга хос хусусиятдир. Кувонарлиси шундаки, мустақиллик туфайли ёшлиарнинг онгида Ватанга муҳаббат туйғуси шаклланиб улгурди. Мана, мустақил юртимиз 25 ёшга тўлди. 25 ёш инсоннинг нақиронлик даврига тўғри келади. Мана шу ёшдаги инсонларнинг кўз очиб кўргани мустақил ҳур, озод Ўзбекистон бўлди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшлиарни кўриб гуурланиб кетасан, киши. Юртнинг келажаги ишончли қўлларда эканини кўриб, ҳақли равишда фахрланиб кетасан, албатта. Кўнгиллар таскин топади. Жасоратсиз бирор улкан ва эзгу ишни адo этиб бўлмайди. Жасоратли юракда кўркув бўлмайди.

Фидойилик «жонбозлик» дегани. Мазкур сўз

Ватанга чексиз садоқатли мард инсонларга нисбатан истифода этилади. Халқимизнинг фидокорлик меҳнати туфайли Ватанимиз гуллаб-яшнамоқда. Халқимизнинг турмуши фаровон. Шаҳар ва қишлоқлар кун сайин чирой очмоқда. Дастурхонларимиз тўкин-сочин. Буларнинг барчаси меҳнатсевар фидойи инсонлар туфайли бунёд бўлмоқда.

«Гапларингиз ўринли ва диққатга сазовор. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг зиди бўлади. Мен бир-бирига қарама-қарши ва тескари ҳолатларни назарда тутяпман. Масалан яҳши-ёмон, ҳалол-ҳаром, катта-кичик, оқ-қора ва ҳакозо. Айтингчи, сиз одам табиатидаги қайси иллатларни хуш кўрмайсиз. Илтимос уларга юқоридагидек шарҳ бериб ўтсангиз.

-Ростини айтсам, ақл-идрок билан қилинмайдиган инсон зотига номуносиб бўлган бемаъни иллат ва ҳатти-ҳаракатларни ёқтирмайман. Чунончи, худбинлик, виждонсизлик, шухратпарастлик, порахўрлик, манманлик, такаббурлик, лоқайдлик, хасислик ва ҳаёсизлик шулар жумласидандир.

Худбин деганда, ўзини ёки манфаатини ҳаммадан юқори кўрувчи одам гавдаланади. Бу тоифа одамларни нодон деб бўлмайди. Ҳатто мартабали ва илмли одамларнинг орасида баъзан худбин одамлар учраб туради. Чунки бойлик ва мартаба уларнинг кўнгил кўзини кўр қилиб қўйган. У ўзига бино қўйган одамдир. Тўрила гердайиб ўтириш ҳам худбинликнинг салбий кўринишидир.

Виждонсиз одам «диёнатни ютган ноинсоф кимсадир. Виждонсизлик эса инсон табиатидаги энг ярамас руҳий иллатдир.

-Тўғри айтасиз, «дедим мен. «Бироннинг хаққига

ҳиёнат қилган кимса виждан азобини ҳис қилмайди.

-Эътиқодсиз кимса эса масъулият туйфусини ҳис этмайди, -деб сўзини давом эттириди Мўсажон ака «Жамоат ишларидан ўзини олиб қочади. Одамлардан нари юришга ҳаракат қиласди. Ижтимоий жамиятда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни лоқайдлик билан кузатади. Ўз қадрини билмаган элнинг қадрига қандай етсин? Бир сўз билан айтганда, лоқайд инсон хулқ-авторидаги нуқсонлардан бири ҳисобланади. Шухратпараст ҳалқ сўзи билан айтганда, манман ва мақтанчоқ кимсадир. Одатда, шухратпараст одам ўз мансаби ва ишини бошқаларга кўз-кўз қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласди.

Порахўрлик ҳам инсон хулқ-авторидаги энг жирканч иллатлардан бири ҳисобланади. Порахўр амалидан фойдаланиб пора ейди. Порахўрниң тури кўп. Баъзилар икки кишининг ўртасида воситачилик орқали пора ундиради. Порахўр ўта тубан шахс.

-Мавриди келганда айтай, қарангки, бу тубан кимсаларни Аллоҳ ҳам хуш кўрмас экан. «Порахўрлик ёйилган юртни пора-пора қиласман.»-дейди Яратган Зот ўз каломи шарифида.

Яхшиямки бу тоифа одамлар унча кўп эмас. Навзубиллоҳ! Юртимизни ёмон кўзлардан ва балкирдор одамларнинг ёмон ишларидан Ўзинг сакла. Аслида бу иллат гуноҳ саналади. Давлатимиз қонунида унга нисбатан жазо бор.

«Мен гапимни давом эттироқчиман -деди Мўсажон ака менга юзланиб.-Такаббур ўзини катта олувчи, димоғдор кимсадир. Нафақат унинг хатти-ҳаракати, балки гапиришида ҳам такаббурлик сезилади. Бу иллат инсонни фақат бадном қиласди

ҳолос. Бир сўз билан айтганда муомаласи ёмон одам.

Бундан ташқари, хасис ва ҳаёсиз кимсаларни ҳам жиним суймайди.

Хасис кимса одамларга бирор нарса бермаслик ва сарфламасликка ҳаракат қилади. Бу ҳам ўтмишдан қолган ва ҳозирги замонга хос бўлмаган эскилил сарқитидир. «Бахил эҳсондан қочар, хасис меҳмондан қочар», деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳаёсиз кимса ҳеч нарсадан уялмайди ва тортинимайди. Ҳатто мана шу ҳолатни ўзи учун фазилат деб ҳисоблайди. Бу кўпинча билими саёз ва яхши тарбия кўрмаган ахлоқсиз одамларга хос жихатдир. Ҳаёсизлик ҳеч қачон одамга обрў келтирган эмас. Ҳаёсизга одамлар нафрат кўзи билан қарайди. Чунки, у эл-халқдан номус қилмаганидан номуносиб хатти-ҳаракатларни содир этади. Халқимиз бу тоифа одамлар ҳақида: «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» «деб бежиз айтилмаган. Ҳаёсизга ҳар кун ҳайит», деган мақол бор.

-Сизни нима ёки қандай ҳолат безовта қилади?

-Мен юқорида инсон табиатида учрайдиган яхши-ёмон ҳолатлар ҳақида баҳоли қудрат гапириб ўтдим. Саволингизга келсак, мустақил Ватанимиз ва унинг тинчлигини кўролмайдиган турли диний экстремистик оқим намоёндаларининг жиноий хатти-ҳаракатлари доим мени безовта қилиб келади.

Ҳозир Сурия Араб республикаси, Афғонистон ва Украинада бўлаётган қонли тўқнашувларни кўриб, баъзан даҳшатга тушаман. Юртимизга кўз тегмасин, деб Яратганга илтижо қиласман.

-Фикрингизни давом эттирган ҳолда айтмоқчиманки, мустақил юртимизнинг фуқаросиман деган ҳар бир одам ўтаётган дориломон кунларнинг

қадрига етиши ва бахтли ҳаётидан миннатдор бўлиши ва шукронга айтиши керак.

-Тўғри айтасиз, -деди Мўсажон ака, -Мен бир ижтимоий ходисага сизнинг диққатингизни жалб этмоқчиман. Айни пайтда Африка қитъасидаги Мозамбик давлатида қурғоқчилик туфайли очарчилик давом этмоқда. Бу ачинарли ҳолатни телевизор орқали кўриб турибмиз. Очарчилик бўлганда, касаллик ҳам хуруж қиласди. Болаларнинг аянчли ахволини кўриб, беихтиёр кўзингизга ёш келади. Жонсиз гўдагининг устида фарёд чекаётган онанинг чексиз изтиробларини сўз билан ифода этиш қийин. Бу аянчли ҳолатни ҳис этган ҳар қандай бағри тош одамнинг ҳам юраги эзилиб кетади. Эҳтимол юришга ҳам ҳоли қолмаган, эти суюгига ёпишган одамларни кўриб, булар бизнинг асримизда бўлаётганига ҳеч ишонгинг келмайди. Ерда ўтирган ва ётган одамларнинг мўлтираб турган кўзларидаги мунг, ҳасрат ва юздаги хазин андухларни кўрган одамнинг ичидан дафъатан йифи келади. Қандай бахтсиз одамлар! Шўрлик болалар!

Энди, бизнинг давлатимиздаги фуқароларнинг яшаш шароити ва давлат томонидан болаларга нисбатан қилинаётган ғамхўрликларга эътибор беринг. Ўзингиз айтингчи, буларнинг шукронасини қилмасак, инсонлигимиз қаерга борди?! Давлатимизнинг инсонсевар сиёсатини фақат нонкўр ва кўрнамак одамгина ҳис этмаслиги мумкин.

«Сизнинг куйинганингизча бор. Бу мотамли ҳолат ўша мамлакат ва миллатнинг фожеасидир. Ҳозир Мозамбик мамлакатига АҚШ, Россия, Хиндистон каби давлатлардан дори-дармон ва гуманитар ёрдамлар етказилиб бериляпти. Лекин бу ҳали етарли эмас.

Ўйлайманки, вақт барча ғам-ташвишларга малҳам босади. Тез орада ҳаммаси изига тушиб кетади.

Ростини айтсам, сиз билан сұхбатлашиш мен учун доим ёқимли түйилади. Мен яна савол берішда давом этаман. Сиз ўзингизни баҳтли инсон, деб ҳисоблайсизми? Баҳт ўзи нима?

«Сизнинг саволингиз фикран мұлоҳаза юритишга ундейди. Баҳтиёрлик ҳақида ҳар бир одамнинг ўз түшүнчаси бор. Агар менинг фикрим инобатта олинадиган бўлса, ҳа, мен баҳтли инсонман.

Мен ҳәёттій тажрибаларимдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, аслида, мен баҳтсизман дейишишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Кимки шунга журъат этса ношукурлик қилган бўлади. Ҳатто ҳеч кими ва ҳеч вақоси йўқ гадо ҳам ўзини баҳтли, деб ҳисоблаши зарур. Ҳозир айтмоқчи бўлган гапларим исбот талаб қилмайди. Мана эшитинг. Инсонни ёруғ дунёга келиб, умргузаронлик қилиши баҳт эмасми? Табиатнинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш баҳт эмасми?

Агар инсон: «Дунёга келиб, унинг гўзаллигини кўрдим. Агар келмаганимда нима бўлар эди? Мен йўқ эдим, энди борман. Аллоҳ, берган умрингга шукр»-деган ўй-ҳаёлни дилида қоим тутиши керак. Бундоқ ўйлаб қаранг. Атрофимизда биздан бошқа турли-туман хайвонлар, күшлар, ҳашоратлар ва турли хил жонзорлар ҳам яшаяпти. Уларнинг ҳам жони бор. Улар ҳам биз каби доим ҳаракатда. Улар бир-бирига емиш. Буларни ҳам Аллоҳ яратган. Агар Аллоҳ истаса, мен уларнинг ўрнида бўлишим мумкин эди-ку, деган саволни камдан-кам одам беради. Бизнинг баҳтимиз шундаки, Аллоҳ бизни ҳаётнинг гултожи-инсон қилиб яратди. Бизга ақл ва тафаккур ато этди.

Хулоса шуки, ҳар бир одам хоҳ гадо, хоҳи жисман ногирон бўлсин мана шу ҳаёт фалсафасини тушуниб ва англаб етганидагина инсоний камолотга етишади, имони бутун бўлади. Яратган Зотга беҳад шукроналар айтади.

Энди баҳт тушунчаси ҳақида гапирадиган бўлсам, баҳт «бу орзу умидларнинг рӯёбга чиқиши билан изоҳланади. Саодат, омад, толе, иқбол каби сўзларни баҳт тушунчасига муқояса қилиш мумкин. Хуллас, ҳар бир одам баҳт тушунчасини ўз билими ва ҳаётий тажрибасига асосланиб талқин этади.

Гап келиб қолди, айтиб ўтмасам бўлмас. Тоғам Фозилжон Мамадалиев узоқ йиллар давомида Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Назарали Ниёзов номли колхозда раис бўлиб ишлаган «Қари билганини пари билмас,»- деган мақол бор. Рўйирост айтаманки, менинг маънавий қиёфамнинг шаклланишида, тоғамнинг панд-насихатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Мен уларни ўзим учун дастуруламал сифатида қабул қилганман. Доимо у каби ўзимни сипо тутишга, ўйлаб фикр юритиш ва вазиятга қараб иш тутишни тоғамдан ўрганганман.

У Тошкент вилоятида жуда катта ҳурматта сазовор одам. Чунки у раҳбарлик қилган жамоа вилоятда пешқадам. Қишлоқ хўжалигида барча режалар муддатидан аввал бажарилади. Шундай бўлса ҳам бағоят камтар инсон. Баъзан ҳаётдан панд еганимда, беихтиёр тоғамнинг сўзлари ёдимга тушарди. Ана шундай қалтис дамларда ўзимда куч топардим. Ҳар сафар мен унинг келишини орзиқиб кутардим. Чунки, унинг ҳикматли сўзлари ва ҳаётий тажрибасига эхтиёж сезардим.

- Ҳамма гапларингиз мантиқан тұғри. Улар мубоҳаса ва мунозара қилишга ундейди. Бунинг ҳам фурсати келиб қолар. Сизнинг юқоридаги инсон ва жонзотлар ҳақидаги фикрингиз баъзи одамларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Борлықдаги жамийки нарсалар Ҳақнинг лутфи инояти ва роббоний қудрати билан яратылған.

- Ҳақиқатдан ҳам шундай. Үтмиш тарихимизни билмасдан ва уни теран ҳис этмасдан туриб, ҳозирги нурафшон күнларнинг қадрига етиш қийин. Бу айни ҳақиқатдир. Айниңса, бу ёшлар учун жуда зарур. Биз муаллимлар ёшларни аждодларимиз ва отабоболаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз керак. Ана шунда ёшлар ҳаёт фалсафасини теранроқ англаб етадилар. Бундан ташқари, унинг улкан тарбиявий аҳамияти ҳам бор. Үтмишга бир назар ташлаб олсак ёмон бўлмасди. Тўғри, бу ҳақда газета ва журналларда жуда кўп мақолалар чоп этилган бўлса-да, аммо одамларнинг юzlари бир бирига ўхшамаганидек, уларнинг фикрлари ҳам турлича бўлади. Кўпол қилиб айтсак, ҳар каллада, ҳар хаёл. Үтмиш ҳақида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

- Бажонидил. Маълумки, мустабид тузум даврида биз узоқ йиллар гўё «темир қўрғон» ичида яшардик. Европа мамлакатларига чиқиш, уларнинг турмуш тарзи, маданияти ва давлат сиёсати ҳақида деярли ҳеч нарса билмас эдик, ва билишимиз мумкин ҳам эмасди. Коммунистик мафқура бунга йўл қўймасди.

Узоқ үтмишга назар ташласак, Чор Россия томонидан олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг мақсад-моҳияти «Туркистон ўлкасининг моддий ва табиий бойликларини талон-тарож қилиш

ва эркесвар халқни зулм исканжасида сақлаш билан бир вақтда барча мағкуравий усуллар билан миллий қадрияттарни йўқ қилишдан иборат эди.

Совет хукумати ҳам 70 йилдан зиёд хукмонлик даврида ўз салафларининг машъум режаларини давом эттира бориб, халқимизнинг маънавий-маданий бойликларини йўқ қилишга ҳаракат қилди. Ўз-ўзидан аёнки, мустамлакачилик сиёсати қай кўринишда бўлмасин, аввало асоратга солинган халқларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан қулликка маҳкум этиш, мамлакатлараро миллий ихтилофларни келтириб чиқариш ва арzon ишчи кучи ёрдамида мўмай даромад олишдан иборатдир.

Демак, мустамлакачилар, аввало, халқнинг ўтмиш қадриятлари ва маънавиятидан мосуво этмай туриб, пухта режалаштирилган ёвуз мақсадларига эриша олмасдилар.

-Шу ерда бир гап келиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда шундай деган эди, -деди Мўсажон ака -Узок тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда хукмонлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало миллий-маданий анъаналаримизни йўқ қилиш, шу билан бирга бизни маънавий жихатдан заифлантиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимииздан чиқармаслигимиз керак». Дарҳақиқат, Ўртбошимиз нутқида баён қилган файласуфона фикрларни айни ҳақиқат эканлигига кўхна тарихимиз гувоҳлик бериб турибди.

-Мўсажон ака фикрларингиз ўринли. Ўтмишда юртимизда яшаб ўтган, ўз қомусий асарлари билан

дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган буюк илм соҳиблари Мусо Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Нажмиддин Қубро, Ахмад Яссавий, Абдуҳолиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳўжа Убайдулло Аҳрор, Мирзо Улугбек каби улуғ аждодларимизнинг асарлари тутул, ҳатто уларнинг исмини ҳам билмас эдик. Чунки улар ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмас эди. Улардан кўра, рус олимларининг асарлари ва шахсини яхши билардик.

Улуғ қомусий олим, фалакшунос Мирзо Улугбек ким эди? Унинг фақат Амир Темурнинг набираси эканини ва ўғли шахзода Абдулатиф томонидан ўлдирилтани ҳақида кинофильм орқали билардик ҳолос. Унинг илмий асарлари ҳақида маълумотга эга эмас эдик. Мустабид тузум даврида унинг асарлари тўлалигича ўрганилмаган ва илмий мероси ўз тадқиқотчиларини кутиб ётарди.

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. матбуот саҳифаларида, унинг шеърлари мистик ва тасаввуф характерга эга. Бундан ташқари шоҳ-шоир эканини ҳам унутмаслик керак, деган пичинг аралаш мақолалар босиларди. Тасаввуф ҳақида эса жуда кам маълумотга эга эдик. Фақат истиқлол туфайли тасаввуф фалсафасининг моҳияти ва унинг бадиий адабиётга ижобий таъсири ҳақида мақолалар ва китоблар чоп этилди.

Машхур рус шарқшунос олим Е.Э.Бертелес «Тасаввуф адабиётини ўрганимасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. Бу адабиётдан хабардор бўлмасдан

Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин» «деб ёзган эди.

Хўжа Ахрор Валий ким эди? Мустабид тузум даврида Мирзо Улугбек ҳақидаги кинофильмда, унинг катта феодал ер эгаси экани ва Абдулатифга падари бузруквори Улугбекни қатл эттириш учун фатво берган шахс сифатида кўрсатилган эди. Лекин тарихий хужжатлар бу машъум воқеада Хўжа Ахрорнинг қўли борлигини тасдиқламади.

Хўжа Ахрор Валий Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг пиру устози ва маънавий рахномоси бўлган. Эътиборлиси шундаки, унинг илғор қарашлари ҳақида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий хазратлари ҳам ўз асарларида у зотга ижобий баҳо берганлар. Яқин ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, мустабид тузум мағкураси социалистик тузумнинг капиталистик тузумдан афзаллиги ҳақида узоқ йиллар давомида матбуот орқали тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Бу ҳақда, айтиш мумкинки, минглаб илмий китоблар нашр қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ социализм ғояси халқнинг онгу шуурига сингдириб юборилди. Капиталист деганда, бизнинг кўз олдимизда, бошқаларнинг куч ва меҳнатидан фойдаланиб юрувчи қабиҳ ва разил эксплуататор кимса намоён бўларди.

-Тўғри айтасиз, «деди Мўсажон ака сўзимни бўлиб, Уларнинг башараларини республика «Муштум» журналида мунтазам равишда бериб борилаётган карикатура-хажвий расмлар орқали билар эдик ҳолос. Шу боисдан уларга нисбатан нафратимиз чексиз эди.

-Мана, мустақиллик туфайли ишбилармон ва тадбиркор одамлар чет мамлакатларга чиқиш имкониятига эга бўлишиди. Юртимизга чет эллардан

күплаб инвесторлар келишяпти. Инвестиция соҳасида ўзаро мақбул шартномалар имзоланмоқда. Мамлакатимизга чет эллардан янги технологиялар олиб келинмоқда. Нихоят маълум бўлдики, фермер ва капиталист дегани хўжалик ва корхона раҳбари бўлиб, тадбиркор одамлар экан. Улар билан бизнинг ишбилармон, тадбиркорларимиз ўртасида турли соҳаларда амалий битимлар тузилмоқда. Бир сўз билан айтганда мустақиллигимиз ҳамма нарсани ўз жойига кўйди.

-Менимча суҳбатимиз ҳам нихоясиға етди, деб ўйлайман, «деди Мўсажон aka, «Мен яна таълим-тарбия соҳасида икки оғиз сўз айтмоқчиман. Устоз қайси замонда яшамасин, доим ҳурмат-эхтиромга сазовор бўлиб келган. Чунки таълим-тарбия ижтимоий ҳаётда муҳим аҳамият касб этишини ҳамма билган. Яқин ўтмишда ҳам одамлар ўқитувчиларнинг кийиниши ва гап-сўзларига ҳам эътибор беришган ва унга тақлид қилишган. Улар тасаввурида ўқитувчи етук билимли ва маданиятли инсон сифатида намоён бўлган. Аслида ҳам шундай. Таълим-тарбия доимо долзарб масала бўлиб келган. Шу боисдан биз ўқитувчилар бу масалага жиддий ва масъулият билан ёндошмоғимиз зарур. Яхши тарбия кўрган бола ҳеч қачон ота-онаси ва маҳалла ахлиниң юзини ерга қаратмайди, ватанпарвар инсон бўлиб етишади.

3000с

Хўжжатли қисса

Обид Камол

Фидойилик

Мухаррир:

Н. Тожиқулова

Тех. мухаррир:

Р. Аҳмедов

Дизайнер:

Г. Қодирова

Босишга руҳсат этилди: 2017 й. Нашриёт босма табоби - 3,75.
Шартли босма табоби - 1,875. Бичими 84x108 1/16. Адади 250.
Буюртма № 141
Баҳси келишилган нархда.

«Poligraf Super Servis» МЧЖ
150114, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар.
Авиасозлар кӯчаси 2-үй.



Обид Камол (Обид Кепжабосов)

1940-йил 1 май ойидаги Фарғона вилояти, Куба тумани, “Сойгузар” маҳалласидаги меснагачи оиласидаги таваллуд тошган.

Күншлөкдаги Тельман шомли 10-сон ўргат мактабини 1959-йил тамомлаган.

1963-1966-йиллари армия сафида хизмат қылған. Каменец-Подольск давлат педагогика институтидаги тахсиял олған.

1971-1997 йиллари Куба туманиндағы мактабаларда рус тили ва адабиети Фанидан дарс берған.

Шеърлари вилюят ва республика мәдбүоттінде әзъюн көрінген.

Ушине “Күншіл охандары”, “Дыл шохори” ва “Мұнишвар түйнүлар” шеърлі түстемелділери шүништік, “Мұссо Шербуғасов” ва “Куба утапони” каби тарихий күсесалары ва “Гүни умр дерлар” күсесен “Фарғона” ва “Наврұз” изашрістінде чөп этилған.

ISBN 9789943381293



9 789943 381293

Тошкент-2017